



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

№ 46 (556)

2007-yil

7-noyabr

Газетамизга 2008

йил учун обуна

давом этмоқда.

Муштарийларимиз

сафида

бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan → Chorshanba kunlari chiqadi → E-mail: hurriyat@mail.ru → http://www.hurriyat.uz

Бармоқ изи орқали тўлов


Shell компаниясига қарашли ёқилғи қуйиш шохобчаларида ҳайдовчиларга янги қулайлик яратилди. Бунга мувофиқ, бензин харид қилишни истаган ҳайдовчилар бармоқ изларини махсус сканердан ўтказадилар ва шу орқали ёқилғи ҳақини тўлайдилар.



5-бет

Тошдаги битиклар сири

Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз пиктографик ёзув намуналарига бу қадар бой эканлиги юртимиз азал-азалдан цивилизациялашган ҳудуд бўлганлигидан далолат беради.



7-бет

ХАҲШОН ВА ХАЙРАТ ОЛАМИ

— Театр — ҳаёт кўзгуси. Унда ҳар бир киши ўз аксини, қалб изтиробларини, ёрқин умидларини кўради. Томошабинда ана шундай туйғунинг нечоғли уйғониши театрнинг қудратига боғлиқ.



8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш на-зарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратилишини на-зарда тутсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни белгилашнинг аниқ мезонлари ва механизми;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-

қувватлаш тартиби; ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан амалий назорат тизими.

3. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгача узайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2007 йил 5 ноябрь

И. КАРИМОВ

Травматология ва ортопедия тиббий маскани

нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда ягона илмий-амалий марказдир

Тахририятимизга келган мактублар орасида Жиззах вилоятининг Баҳмал туманида яшовчи Анвар Жовлиевнинг хати диққатимизни тортди. Республикада соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор ва соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатидан мамнулик изҳор этилган мактубда шундай дил сўзлари бор эди: «Фарзанд ҳар бир ота-онанинг жону дили. Унинг соғ-саломат юриши ҳар биримизнинг энг катта истагимиздир. Оиламиз эркатойи Моҳинурнинг хасталикка чалинганидан хавотирга тушдик. Фидойи шифокорлар бор маҳоратларини ишга солиб, қизимизнинг саломатлигини тиклашнинг даволаш масъулиятли бўлишига раҳмат. Ҳаётда ҳеч қачон дард кўрмасинлар!» Суриштириб билдикки, бир неча ой илгари Моҳинурнинг оёқ суякларини жароҳатланган экан. Уни шифохонга етказ-гунга қадар маълум вақт ўтган. Оқибатда жароҳат ўрни шишиб, даволаш ишлари қийинлашган. Шу боис, қизалоқни пойтахтимиздаги Травмато-

логия ва ортопедия илмий-текшириш институтига юбориш лозим топилган.

Бу ерда кўп ўтмай уч ёшли Моҳинур оёққа турди. Ҳозир эса чопқиллаб, яқинларининг кўзини қувнатаяпти. Биз ушбу хабар баҳонасида жамоа ҳаёти билан яқиндан танишдик.

— Болаларни ҳамиша кўз қорачигидек асрай-миз, — дейди институтнинг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Искандар Хўжанов. — Президентимизнинг ёш авлод саломатлиги ва баркамоллигига эътибори ҳамда шифокорлик бурчи — бизни ҳамиша масъулиятли бўлишига ундайди. Қолаверса, 2007 йилнинг энг муҳим усту-



вор йўналишларидан бўлган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури йўналишида Фуқаролар ҳаёт даражасини кўтариш, қатор ижтимоий масалаларни ечишга эътибор кўчатириляпти. Бу йўлда хиз-

мат қилиш соғлиқни сақлаш ходимларининг ҳам биринчи галдаги вазифасидир.

Давоми 2-бетда.

Таълим

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ



Жорий йилнинг 23 декабрида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. «Hurriyat» мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Беруний АЛИМОВга сайлов жараёнларининг очик ва ошқора ўтказилишини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида бир неча савол билан мувоҳаза қилди.

— Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларини муҳим маълумотлар билан таъминлашда округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари зиммасига ҳам катта масъулият тушади. Аини пайтда округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш борасидаги ҳаракатлар қандай кетяпти?

— Бўлажак сайлов Ватанимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик амалдорларни чуқурлаштиришда, жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишда улкан аҳамиятга эга. Бинобарин, сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш доирасида Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ана шу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир юксак савияда ўтишига кўмаклашишга қаратилган.

Тўғри таъкидлашнинг, сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишнинг очик ва ошқора амалга оширишдек долзарб вазифа округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари зиммасига ҳам муайян масъулият юклайди. Шу боис ушбу хизматлар фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Утган даврда барча сайлов округларида округ сайлов комиссиялари матбуот хиз-

матлари тузилиб, улар таркибига жойлардаги фаол журналистлар, соҳанинг етакчи вакиллари жалб этилди. Матбуот хизматлари хоналари талаб даражасида жиҳозланди, зарур компьютер, телефон, факс аппаратлари, тегишли ҳуқуқий ва сиёсий адабиётлар билан таъминланди.

Хабарингиз бўлса керак, октябрь ойида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари ходимлари учун Тошкентда ҳуқуқ ва сиёсат соҳасининг малакали мутахассислари иштирокида уч кунлик илмий-амалий семинар ўтказилди. Семинар қатнашчилари Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари билан учрашдилар. Тадбир доирасида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг раҳбар ва ходимлари учун пресс-клуб, «Бунёдкор» ёшлар телеклубида давра суҳбати ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида ижодий мулоқот ташкил этилди.

Мазкур анжуман жойлардаги фаол журналистларнинг касбий малакаси ва иқтидори, маънавий фазилатлари ва юксак фуқаролик позициясини сайловнинг очик ва ошқора ўтишига кўмаклашиш учун йўналтиришга, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳами-

ятли бўлди, деб ўйлайман.

Айни вақтда округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари Президент сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнларини тегишли округ сайлов комиссияларининг фаолияти билан боғлаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида ёритиш, бир сўз билан айтганда, сайловнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини ҳар бир сайловчига етказиш билан боғлиқ кенг қамровли ва масъулиятли ишлар билан шуғулланмоқда. Округ сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида материаллар тайёрлаш, Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан ҳамкорликда сайлов жараёнларини ёритадиган жойлардаги оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорликни янада фаоллаштириш шумлар жумласидандир.

— Сайлов кампаниясини холисона ёритиш борасида журналистнинг масъулияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Бугунги глобаллашув замонида ҳалқимизни, жаҳон жамоатчилигини ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, кишиларнинг давлатга, жамиятга ва ўзаро муносабатларини холис ва ҳаққоний акс эттириш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари фаолияти алоҳида ўрин тутди. Айниқса, эркин, демократик сайловларни ташкил этишдек гоятда муҳим жараёнларда журналистлар ва оммавий ахборот воситаларининг холислик, ҳалоллик, адолат ва қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши тақозо этилади.

Давоми 2-бетда.

Муштарий эътирофи

«Хуррият»га, албатта, обуна бўламиз...

Шу кунларда барча газета-журналлар тахририятлари учун «қайноқ» мавсум давом этмоқда. Ижодий жамоалар ахборот бозорида ўз мавқени мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, ахборот бозорида рақобат анчайин кучайиб бораётган бугунги кун журналистларимизнинг янада масъулиятли бўлишини талаб этади.



Тўғри, нашрлар кўп, шунга яраша танлаш имконияти ҳам катта. Бироқ баъзан ана шундай катта имконият ҳам маъқул нашрни топиш, йил давомида муштарий истаган мазмунли озуқа, завқ беришни унда далайдиган газета-журнал танлаш ва обуна бўлиш учун қафолат бўла олмапти. Кунора чоп этилаётган юзлаб номдаги ва кўринишдаги нашрлар шунчаки бир-бирларини таққорлаётгани, қолиплаган мавзу ва сийқа материаллар билан газетхонни овуғтаётгани биз — муштарийларда шундай таассурот ва хулосалар пайдо қилаётди. Ахир фалон сўмга обуна бўлаётган муштарий қилган сарф-харажати эвазига етарли маънавий озуқа олишга ҳаққи бор-ку.

Жамоамиз ҳар доим обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказамиз. Фақат танлашга келганда улар ҳамиша юқорида тилга олиб ўтилган талабга қатъий амал қилишади. Эътиборлиси шундаки, уларнинг чертиб-чертиб танлаган нашрлари орасида «Хуррият» газетаси биринчилар қаторида туради. Негаки, жамоамизда доимо «Хуррият»нинг ўзига хос

ўрни бўлган. Мамлакатимизда истиклол йилларининг илк мустақил нашри сифатида дунё юзини кўрган ушбу газета кўпчилик муштарийларимизнинг узоқ йиллик қадрдон ҳамроҳи, дўсти ва ҳаммаслагига айланиб қолган.

Айниқса, «Хуррият» саҳифаларида бериб бориладиган танқидий-таҳлилий, ҳуқуқий мавзудаги материаллар ушбу нашрнинг обрў-эътиборини янада оширади. Буларнинг ортида Ҳазрати инсон борлигини ўйлаб кўрсак, «Хуррият» ҳақиқатдан кўпчилик орзу қилган, бугуннинг овозини бера олаётган газеталардан бири эканлигига шубҳа қилмайсан, киши. Шунингдек, газетанинг бадиий қиёфаси, мазмун-мундарижаси ҳам ранг-барангки, у билан йил давомида ошно бўлгингиз, «суҳбатлашгингиз» келади.

Севимли газетамизнинг бошқа нашрлардан ажралиб турувчи ана шу жиҳатларини инобатга олган жамоамиз аъзоларининг аксарияти бу йил ҳам ўзларининг керакли на-шрларига обуна бўлишни аллақачон режалаштириб қўйганлар. Биз уларнинг талабларини эътиборга олиб «Хуррият»га 12 нусха йиллик обуна бўлишни келишиб олдик. Бу жамоамизнинг қадрли газетамизни қўллаб-қувватлашга қўшган арзимас ҳиссаси деб ўйлайман. Эвазига эса келгуси йилда «Хуррият» ижодкорларидан янада ажойиб мақолалар кутиб қоламиз.

Чори ФАРМОНОВ, Бойсун агроаноат касб-ҳунар коллежи директори.

Эртага Тошкент шаҳрида Ўзбекистон немис тили ўқитувчиларининг VI анжумани бошланади. Уч кун давом этадиган тадбир юртимизда мазкур хорижий тилнинг ўқитилишини янада такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийларга ўқув-услубий кўмак кўрсатиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Немис тили билимдонлари анжумани

Ўзбекистон Республикасининг Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим олувчиларнинг хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришига эришиш асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилган.

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида уюштирилган аънавий анжуман ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Тадбир давомида немис тили таълими бўйича ўнлаб семинарлар, амалий машғулотлар ташкил этилади.

Ушбу анжуман Ўзбекистон немис тили ўқитувчилари ассоциацияси, Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD), Хорижий давлатларда мактабларни бошқариш маркази ҳамда Гёте институти ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

МУХБИРИМИЗ.

Тошкентда 6 ноябрь кунин Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) қурултоий бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мазкур партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзЛиДеП фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг дастурий маърузаси тингланди. Маърузада мамлакатимизни ривожлантириш, демократик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Сўзга чиққан делегатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берганини алоҳида таъкидладилар. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий йўналишларни бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП ўзи учун жиддий сиёсий мактаб вазифини ўтайдиган ушбу сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Ушбу партия ўз сафларида қарийб 150 минг кишини бirlаштирган, унинг Олий Мажлиси қўйи палатасидаги фракциясида мазкур сиёсий партиядан сайланган 41 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бу ЎзЛиДеП иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда етакчи куч бўлган тadbиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бirlаштирувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи жиддий сиёсий кучга айланганидан далолатдир.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислам Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултойда, шунингдек, мазкур сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жорий йилда мустақил давлатимиз тараққиётидаги муҳим босқич — мамлакатимизни фаол ислох қилиш ва модернизациялаш, жамиятимиздаги демократик янгилинишларни жадаллаштириш даврига тўғри келмоқда.

Бу босқичда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, қабул қилинган Конституциявий қонун доирасида мамлакатни модернизация қилишдаги иштирокини янада кенгайтириш муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси партиянинг барча аъзолари ва бошлангич ташкилотлари учун жиддий ижтимоий-сиёсий етуклик синови бўладиган мазкур сайлов кампаниясида фаол қатнашишни зарур, деб билади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган съездида шу ҳақда сўз юритилди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, омма-

(ЎЗА).

Тошкентда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

Съездда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий кенгашнинг биринчи қотиби Дилором Тошмухамедованинг маърузаси тингланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, унинг 60 минг кишини бirlаштирган сафлари мустақамлашиб бораётгани таъкидланди. Партиядан сайланган 10 нафар депутат Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фаолият юритмоқда. Партия аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётди.

2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этади, деб билади.

Съездда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. У йилгилангари ўз сайловдаги дастурийнинг асосий жиҳатлари билан таништириди.

Съездда, шунингдек, сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА).

Қисқа сатрларда

Бугуннинг нафаси

● Пойтахтимизда “Марказий Оснб мамлакатлари ва Озарбайжонда уй-жойни кредитлаш масалалари” мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтмоқда. Зикр этилган давлатларда хусусий ипотека молиялаштиришни ривожлантириш, аҳолини сифатли ва арзон уй-жой билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиш, шунингдек, бу борада миллий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари семинарнинг асосий муҳокама мавзусини ташкил этапти. Тадбир 8 ноябрь кунин ўз ишини якунланди.



● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қизамиқ ва қизилча билан касалланишнинг олдини олишга қаратилган оммавий эмлаш дастурига асосан республикамиз бўйлаб шу йилнинг 12-25 ноябрь кунлари вакцинация ўтказилади. Бу ҳақда region.uz сайти ахборот тарқатган.

● Миллий санъат марказида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Халқ рассоми Рўзи Чориев асарлари кўргазмаси очилди. Унда мўйқалам соҳибининг 60 га яқин асари намойиш этилмоқда. Суратлар орасида илк бор кўргазмага қўйилган картиналар ҳам мавжуд.

● Навоий Халқаро аэропорти ишга тушди. Бу ердан “Андижон-Навоий-Москва” йўналишида дастлабки рейс амалга оширилди. Шунингдек, “Навоий-Тошкент-Навоий” йўналиши бўйича қатнов ҳам мунтазам йўлга қўйилган. Халқаро аэропортнинг иш бошлаши йўловчилар учун катта қулайлик яратди.



● Жиззах аккумулятор заводи 2001 йилда фаолиятини бошлаган эди. Завод йилга 1 млн. тона аккумулятор ишлаб чиқариш ва 8 минг тонна металл қайта ишлаш қувватига эга. Икки халқаро мукофот — Европа Бизнес иттифоқининг “Европа сифати” ва Франциядаги Савдо фаоллари клубининг “Сифат учун” олтин нишонлари билан тақдирланиш корхонанинг навбатдаги ютуқларида бири бўлди.

Мутахассисларнинг эътирофига, Жиззах аккумуляторлари ўзининг сифати билан “Варта”, “Фиа” ёки “Атлас” сингари фирмаларнинг шу турдаги махсулотларидан қолшимайди.

● Шўрчи тумани газ таъминоти бўлими ходимлари аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи бўйича мониторинг ўтказди. Натижадан кўринадикки, аҳолининг зангори оловга бўлган эҳтиёжи аввалги йилларга қараганда сезиларли миқдорда ўсган. Кузги-қушки мавсумда 9 минг 247 та хонадонга мунтазам табиий газ етказиб бериш режаси ишлаб чиқилди.

● “Қорақалпоқфильм” студияси фаолияти йилдан йилга жонлиб бормоқда. Таниқли кинорежиссёр Т. Қалимбетовнинг “Фидойилар”, “Қудук” фильмлари халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни эгаллаган. Ҳозирда Бердақ таваллудининг 180 йиллигига бағишланган фильмни тасвирга олиш ниҳоясига етиб, сўнгги монтаж ишлари олиб борилмоқда.

● Булунғур тумани Мехтар маҳалласида тadbиркор Абдуолим Бердиев ташаббуси билан болалар соғломлаштириш маркази иш бошлади. Шунингдек, “Чангал” маҳалласида иқтисод ва сервис, туман марказида педагогика ва спорт коллежлари, икки қаватли 43-мактаб ҳамда 19-мактаб бинолари ҳам фойдаланишга топширилди.



● “Region Inform” ахборот хизматининг хабар беришича, Тўрақўрғон тумани Бахт маҳалласида 50 дан зиёд оиланинг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Шу мақсадда бунёд этилган 200 метр куб сизимга эга сув иншоотида давлат ҳисобидан қарийб 76 млн. сўм маблағ сарфланди.

● Қарши шаҳрида янги “BA3 ЛАДА” автосалони очилди. Ҳозирда миқозларга LADA 2107 ва LADA KALINA русумли автомобиллар тақлиф қилинмоқда. Кейинчалик салонда Россиянинг “Автоваз” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган даярли барча турдаги машиналар савдоси йўлга қўйилди.

● Ҳазорасп туманида янги “Деҳқон бозори” қурилди. Унда 2000 ўринга мўлжалланган усти ёпиқ расталар, қишлоқ ҳўжалик махсулотлари сотиладиган 35 та, озиқ-овқат махсулотлари хариди учун 40 та дўконлар мавжуд.



Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Сайлов ҳуқуқи ва эркинлигининг таъминлиши, сайловнинг очиклиги, ошқоралиги кўп жиҳатдан матбуот, бошқа оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнларини нечоғли эркин ва демократик тарзда ёритишига боғлиқ. Зеро, бундай эркинлик демократиянинг ўзига хос белгиси ҳисобланади. Шу ўринда юртимизда оммавий ахборот воситаларида эркинлик берилиши ва бу эркинликнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашиши мустақиллик билан бевосита боғлиқ жараён эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Холис айтганда, ана шу эркинлик ижобати сифатида намоён бўладиган журналист сўзи кўпинча жамоатчилик фикрини тубдан ўзгартаришга қодирдир. Бундай масъулият оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнларини ёритиш билан боғлиқ фаолияти амалдаги қонунчиликка тўла мос келишини, ҳамкасбларимиз эса ҳолис-

лик, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлик мезонларига жавоб беришни талаб этади. Шу маънода, сайловлар оммавий ахборот воситалари учун ҳаммаши жиддий синов бўлиб келган.

Сайлов кампанияси эълон қилинган кундан, яъни 21 сентябрдан бундан шунга қадар сайлов мавзусида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар савиясини қандай баҳолайсиз? Бу борада ҳамкасбларимиз фаолиятида қандай ютуқлар ва камчиликлар кўзга ташланмоқда?

— Олдинги сайловлар, хусусан, 2004 йили икки палатали парламентга илк бор бўлиб ўтган сайловлардаги нисбатан оммавий ахборот воситаларининг фаолияти янада ошганини кузатиш мумкин. Президент сайлови тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш жараёнларини ёритиб бораётган журналистларимиз кейинги йилларда касбий малакасини, сиёсий ва ҳуқуқий савиясини юксалтиришга жиддий эътибор бергани уларнинг ўз ишига масъулият билан ёнда-

шуви мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Албатта, сайлов кампанияси бошланишида вилоят ва туманларда чоп этиладиган айрим даврий нашрларда “Президент сайлови” атамасини қонунда қайд этилганидан фарқи равишда “Президентлик сайлови” тарзида ёзиш ёки сиёсий партиялар номини имловий хатлар билан бериш каби жузъий камчиликларга йўл қўйилгани ҳам кузатдик. Лекин, умуман олганда, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиш борасидаги фаолияти бизни қониқтиради. Энг муҳими, журналистларимиз ўзларининг самарали фаолияти билан бевосита жамият, сайловчилар манфаатларига хизмат қилмоқдалар.

Айни чоғда сайлов кампанияси бошланганидан бундан ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган барча қарорлар, амалга оширилган ишлар, ўтказилган тadbирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Сайловга оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар билан ҳамкорликда тайёрланаётган ҳамда эълон қилинаётган телекўрсатув, радиоэшиттириш ва тахлилий мақолалар эътиборга лойиқ. Бу чиқишлар сайлов жараёнида фуқароларимизнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин билдиришларини таъминловчи сайлов қонунчилигининг демократик асосларини очиб беришга хизмат қилмоқда.

— Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази сайлов жараёнини ёритаётган журналистларни зарур ахборот билан тезкор таъминлаш учун яна қандай чора-тadbирларни режалаштирган?

— Ошқоралик ва очиклик — сайлов жараёнининг энг муҳим тамойиллари. Бу тамойиллар устуворлигига эса ана шу жараёни ёритишда оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг фаол иштирок этиши орқали эришиш мумкин. Шунинг учун марказимизда биринчи навбатда ОАВ вакиллари тегишли

ахборотни олиши ва узатиши учун зарур шарт-шароит яратишга эътибор қаратдик. Яқин кунлар ичида сайлов жараёнини ёритиш истагини билдирган оммавий ахборот воситалари вакилларига уларнинг Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида аккредитация қилинганлиги ҳақида гувоҳнома — бейжиклар топшираимиз.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси веб-сайтидаги маълумотлар мунтазам янгиланмоқда. Яна қатор учрашув ва матбуот анжуманлари ўтказишни мўлжаллаяймиз. Оқруғ ва участка сайлов комиссиялари, округ сайлов комиссияларининг матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари билан доимий алоқа ўрнатганмиз. Шу тариқа сайлов жараёнлари билан боғлиқ барча маълумот ва ахборотларни тўплашга интиляймиз. Табиийки, бу сазъ-харақатларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларини тезкор, ҳаққоний ва холис ахборот билан таъминлашга қаратилган.

Камол СОБИРОВ суҳбатлашди.

Травматология ва ортопедия тиббий маскани

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, институтда мурожаат қилувчиларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, зарур жиҳозлар ташхис қилишда ва даволашда гоят қўл келмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур институт таянч-ҳаракат аппарати жароҳатлари ва касалликлари бўйича нафақат юртимизда, балки бутун Марказий Осиёда ягона илмий-амалий муассаса ҳисобланади. 1932 йилда травматология клиника сифатида ташкил этилган бу тиббий даргоҳ бугунги кунда энг замонавий ютуқларни ўзидан мужассамлаштирган нуфузли институтга айланди. Айни пайтда у ташкилий, услубий, илмий ва амалий ишларни юритиш билан бирга малакали травматолог-ортопедлар, протезистлар, суяк силли мутахассисларини етиштирмоқда.

Мамлакатимиз Мустақилликка эришган барча соҳаларда дунё билан ҳамкорлик кенгайтириш, Хусусан, травматология ва ортопедия йўналишлари бўйича ҳам жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, институт олимларининг ўзлари ҳам илмий изланишларни изчил бойитиб бордилар. Сон суяк бўйинчаси си-



нишларини даволашнинг камжароҳатли усулини, синиқ булакларини тўғрилашнинг ташки стерженли фиксация қилиш усулларини, елка ва билак суякларини жароҳатлари ҳамда сон-болдир суякларини жароҳатларини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқардилар. Тўғма маймоқлик, қийшқик кулик, варус деформациялари ва бошқа ортопедик касалликларнинг даволашнинг аппарат ёрдамида хирургик усуллари яратилди. Артроскопик текширувлар йўлга қўйилди, пластик операцияларни бажариш усуллари татбиқ қилинди.

— Охириги йилларда умуртқа патологияси соҳасида илмий изланишлар айниқса самарали равишда ўтказилди. Умуртқа поғонаси сегментининг стабиллиги ва стабилизациясининг концептуал модели яратилди, умуртқанинг

кўкрак ва бел қисми жароҳатларини даволаш усули тақлиф этилди ва экспериментлар орқали назарий жиҳатдан асослаб берилмоқда, — дейди илмий марказ раҳбари, Соғлиқни сақлаш ва зирлиги бош травматолог-ортопеди, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳақ Азизов.

Тизза бўғими патологиясини даволаш бўйича ҳам самарали текширувлар ўтказилди. Букувчи контрактурани даволашнинг оператив усули ишлаб чиқилди, гонартроз касаллигида оператив даволашнинг комплекс тadbирлари тузилди. Тиббий ускуна ёрдамида хирургик даволаш усули болаларда тизза бўғимининг тўғма аномал ривожланиши патологиясида ва деформацияларини даволашнинг генетик ёндашувлар ёрдамида ишлаб чиқилди, деформа-

цияларни йўқотишнинг янги патогенетик усуллари яратилди. Репаратив регенерация ва организм реакцияси болдирнинг диафизар синишларида даволаш усулига нисбатан ўрганилди, ва натижада иммунитет томонидан юз берадиган ўзгаришлар аниқланди. Бўғимлар дегенератив касалликлари ва посттравматик асоратларини оператив даволаш учун киндик тўқимасидан фойдаланилди. Сон суягининг юқори қисми синишларини даволашда камжароҳатли янги хирургик мосламалар ишлаб чиқилди. Катталар ва ўсмирларда тўғма бўйин қийшқилигини оператив даволашнинг самарали усули яратилди, бунда ўтказиладиган бўйлама оператив кесим аҳамиятга эга. Икки томонлама соннинг тўғма қийшқили ҳолатларини оператив даволаш усуллари самарадорлиги исботлаб берилди.

Ҳа, ўзининг 75 йиллик тарихи давомида травматология ва ортопедия илмий текшириш институти ўз салоҳияти ва аъёналари билан Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги етакчи илмий-амалий даргоҳига айланди.

Салим ИНОМЗОДА, журналист. Суратларда: тиббий маскан шифокорлари. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Тadbир

Сурхондарё вилоятида “Аёллар кенгаши” жамоат бirlашмаси ташаббуси билан республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида “Йил аёли” миллий танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.


Танлов жиддий бўлди

Зеро, азалдан аёлларга алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилган, ўзбек аёли садоқатли оила бекаси, фарзандлари тарбияси учун жонқуяр, миллий қадриятлар ва аъёналар бардавомлигини таъминловчи зот сифатида қадрланган юрда илк мартабага ўтказилаётган “Йил аёли” миллий танлови юксак қадриятларимизни янада тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишнинг муҳим воситасидир.

Танловда 700 нафарга яқин аёллар иштирок этиш истагини билдириб мурожаат этишди. Шу боис ҳам шояр ва туманларда саралаш босқичлари зур кўтариш билан ўтказилди. Унда голибликни қўлга киритган 15 нафар аёллар танловнинг вилоят босқичида ўз имкониятларини яна бир қарра синовдан ўтказишди. Танлов шартларини бажариш асосида иқтидор устасидоғларини, малака ва тажрибаларини, қолаверса, Шарқ аёлларига хос нафосат, саранжом-сариятлик, моҳир оила бекаси каби фазилатларини намоён этган иштирокчилар орасида голиб аниқланди. Ҳайрат аъёлларининг ҳулосасига қўра, Термиз туманидаги “Сурхон воҳаси” фермер ҳўжалиги раҳбари Рисолат Маматқулова “Йил аёли” танловининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шерали КОДИРОВ, «Хуррият» муҳбири.

Хаво тўқинларида



Бугунги тезкор ахборот асрида ТВ ва матбуот билан бир қаторда радионинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирда радио кириб бормаган бирор бир хонадон бўлмаса керак. Жамоатчиликни зарур ахборот билан тўлиқ таъминлашда эса ОАВ ўзаро ҳамкорлик қилиши фойдадан холи эмас. Шу ният билан газетамизда Ўзбекистон радиоси орқали хаво мавжларига узатилаётган эшиттиришлар ҳақида қисқача маълумот берувчи янги руқк очини лозим деб топдик. Уйлаймики, бу зийрак муштарийларимизни бефарқ қолдирмайди.

Янгиликлар узатишда пешқадам

Айни пайтдаги тингловчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Ўзбекистон" радиоканали ижодкорлари ҳам изланишда. Бу канал деярли ҳар соатда 5-10 дақиқадан ахборот дастурларини эфирга узатиб, пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Юртимиз ҳаёти билан боғлиқ хабарлар билан бир қаторда олам саҳнида рўй бераётган воқеалар "Дунё" ахборот-таҳлилий эшиттиришида батафсил берилмоқда. Шунингдек, қянқдан бошлаб ҳар куни соат 16⁰⁰да "Минтақда нима гап?" эшиттириши эфирга узатиляпти. Унда қўшни давлатлар ҳаётдан ҳикоя қилинади.

Эфирда янги лойиҳа

Бу йил "Ўзбекистон" радиоканали тўқинларидан ёш мухлисларга мўлжалланган янги "Камалак" эшиттириши жой олди. Лойиҳа ҳафтанинг етти кунини етти хил мавзуда эфирга узатилади. Эътиборли жиҳати, "Камалак"ни бевосита ёш болалар олиб боришади. Улар "Ақл чархи", "Шохсупа", "ФМ-глобус" каби радиоуйинлар орқали ўзларига кўнгилроқ қилган тенгдошлари билан мулоқот қилишади.

"Ақл чархи" ўйинидаги саволлар мактаб дарсликларини асосида тузилган бўлса, "Шохсупа"дан болалар спортга оид саволлар ўрин олган. "ФМ-глобус"да эса болаларнинг жўроғий билимлари синовдан ўтказилади.

"Дурдона" ни тингланг

Ҳар тонг "Ўзбекистон" радиоканалининг мусиқий дастурлар тақдими "Дурдона" эшиттириши билан бошланади. У бутун мазмун-моҳияти билан мумтоз санъат асарлари, миллий мусиқамизнинг тарбиявий аҳамияти, устоз санъаткорлар ва уларнинг муносиб ворислари ҳақида халқчил услубда мухтасар ҳикоя қилади.

Дастурдан ўрин олган ҳофизларнинг қўшиқлари тингловчиларга завқ улашади.

"Машъал" да янгилик

Қарийб 30 йиллик тарихга эга бўлган "Машъал" радиоканали ҳам янги дастурлар устида иш олиб борапти. Тез орада эфирга узатилиши кутилаётган "Сиз савол беринг, биз жавоб берамиз" радио лойиҳаси шулар жумласидан.

— Бу эшиттириш орқали мухлисларимиз хат, телефон ёки SMS юбориш йўли билан психология, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқ каби соҳаларда ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишлари мумкин, — дейди радиоканал ахборот дастури бўлим бошлиғи Шохиста Маъдиева.

"Спорт+Латифа", "Донишмандлар умрбоқийлик ҳақида" лойиҳалари эса ҳали узатила бошланганига кўп бўлмаса-да, тингловчилар эътиборига тушиб улгурди.

"Интерактив" нима дегани?

SMS мулоқот кўпгина радиоканаллар учун тингловчини жалб қилишнинг қулай йўли бўлиб қолмоқда. "Ёшлар" каналда ҳар куни кеч соат 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача эфирда бўладиган "Интерактив" SMS мулоқоти ҳам шу йўлдан бормоқда.

Бошловчилар ўзбек ва рус тилида мухлислар юборган мактубларни ўқиш ва хоҳишига кўра қўшиқ эшиттириш йўли билан уларни ўз тўқинларида олиб қўлишга ҳаракат қилишапти.

Ситора ТОЖИДИНОВА

Истиқлолнинг ҳаётбахш самараси

Юртбошимиз "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюқ ишларга қодир бўлади" деб бежиз айтмаганлар. Муқаддас Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларида, шу жумладан бизнинг Фарғона вилоятида ҳам рўй берган бе-назир ўзгаришлар халқимизнинг кўтаринки руҳи, ғайрат-шижоати ва эртанги кунга бўлган чуқур ишончидан шаҳодат бериб турибди. Хусусан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича 1998 йилда қабул қилинган Давлат дастуридаги мақсадли вазифаларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши пировардида, тиббий хизмат салохияти ва нуфузи қай даражада юксалгани бугун барчамизнинг кўз ўнгимизда намойёндир.

Жорий йилнинг сентябрида Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимизда аҳоли саломатлиги йўлида изчил гамхўрлик кўрсатиб бориш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланади.

Зеро, бугунги фараҳбахш кунлар устида гап борар экан, ҳар қандай ақли расо инсон кечагина, яъни ўтмишимиздаги аҳвол манзараларини беихтиёр кўз олдида келтиради, шундай эмасми?! Пахта яккахокимлиги сиёсати, эрксизлик юқоридан белгиланган кўрсатмалар ижросини деб инсон шаъни ва саломатлиги мутлақо ҳисобга олинмаслиги оқибатида не-не кўргиликларга дуч келмадик. Пахта даладаримизга аёвсиз

бий ёрдам марказларини, туғруқхоналар ва қишлоқ врачлик пунктларини, жаҳон андозалари даражасида кўрсатилаётган тиббий хизматни ўша пайтлар тасаввур эта олармик? Йўқ, албатта. Жуда қисқа вақт ичида давлатимизнинг оқилона сиёсати ҳамда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуслари билан бугунги имкониятлар рўёбга чиққанини, амалга ошаётганини тан олмақ лозим.

Юқоридagi фикру мулоҳазаларимизнинг жонли далили сифатида, Фарғона вилоятидаги тарихий ўзгаришларни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сақлаш, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш йўлида изчил амалга оширилаётган ишларни мисол келтириш мумкин.

Республикамизда биринчи-лар қатори Фарғона вилоятида

лишлардаги юқори тоифали ва малакали врачларимиз, ҳамшираларимиз аҳолига беминнат хизмат қилаётган мазкур жамоалар ҳаёти билан яқинроқ танишгудек бўлсангиз, кундуз хизматга шай ўнлаб замонавий ТТЭ автомашиналаридан тортиб, беморларни зудлик билан қабул қилиш ва ташхис белгилаш, реанимация, операцион ва даволов жараёнлари юқори савияда амалга оширилаётгани, инсон ҳаётини асраб қолиш ва саломатлигини тиклаш учун қанчалар жон куйдираётганининг гувоҳи бўласиз.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги қарори асосида бизнинг вилоятимизда ҳам "Саломатлик" лойиҳасини амалга ошириш учун кенг қўламли ишлар бошланиб кетди. Қисқа вақт ичидаёқ туманларимизда 293 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улардан 214 таси энг замонавий тиббий-техник анжомлар билан таъминланиб, қишлоқ аҳолисига малакали мутахассислар беминнат хизмат кўрсатишяпти. Қолган ҚВЛларда ҳам замонавий жиҳозни амалга ошириш, тиббий хизмат салохияти ва маданиятини талаб даражасига кўтариш ишлари жадал давом этмоқда.

"Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида биринчи бўлиб Марғилон шаҳрида 7 та поликлиника оилавий поликлиникаларга айлантирилиб, умум-амалиёт ҳокимлиги услуби таъриба сифатида амалга татбиқ этила бошланди. Мазкур поликлиникаларда хизмат кўрсатаётган 115 нафар малакали шифокорнинг ҳар бирига иккитадан тиббий ҳамшира ҳам бириктирилган бўлиб, шаҳардаги оилалар юз фоиз улар назоратига қамраб олинган. Масалан, кейинги ўн ой ичида туғиш ёшидаги мавжуд 48.957 нафар аёл тўла тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий хизмат жорий қилинди.

Марғилон шаҳрида шунингдек, собиқ "Ипакчи" тиббиёт-санитария хизмати муассасаси базаси ўрнида хашаматли Туғруқ комплекси ҳам бунёд этилганлиги қувонарли ҳолдир. Уни барпо этиш ва жиҳозлашнинг ўзига давлат томонидан ярим миллиард сўмга яқин маблағ сарфланганини таъкидлаш жоиз.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва баркамол авлод тарбиясининг зарур жиҳатларига доир мақсадли Дастур асосида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида режали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, балоғат ёшидаги қизлар, туғиш ёшидаги ҳамда ҳомиладор аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини

доимий ошира бориш бошқармаимиз олдида қўйилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Вилоятдаги 19 та туғруқ комплекси ва бўлимлари тўла мукамал таъмирдан чиқарилиб, уларни бугунги талаблар даражасида жиҳозлаш учун 1,6 миллиард сўм маблағ сарфлангани ҳам фикримизнинг далилидир.

Маълумки, 2010 йилга қадар мамлакатимизда қизилча касалликларидан батамом холи ҳудудга айланиши кутилмоқда. Вилоятимизда ана шу мақсадга йўналтирилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг 12-22 ноябрь кунларига мўлжалланган эмлаш декадаси учун ҳозирлик чора-тадбирлари белгиланиб, зарур миқдордаги вакциналар тайёрлаб қўйилган.

Шунингдек, вилоятдаги юқумли касалликлар шифохоналари фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техник иқтидорини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар сафини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Қодиржон Азимов, Турғунбой Нишоннов, Оллоёр Тожиматов ва Шаҳобиддин Насриддиновлар бош шифокор бўлган Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги, Ёзёнов ва Қувасой, Ўзбекистон туманларидаги юқумли касалликлар шифохоналарининг ибратбахш фаолиятини таъкидлаш ўринлидир. Уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан маҳаллаларда, таълим-тарбия ўчоқлари ва бошқа жамоатчилик жойларида соғлом турмуш тарзи, озодлик ва саранжом-саранжом, юқумли касалликларга сабаб бўлувчи омиллар мавзусида вақт-вақти билан қизиқарли сўхбатлар, тарбиоташвиқот ишлари ўтказиб турилади.

Касб байрамимиз кенг нишонланиши арафасидаги ана шу мўътабар кунларда Фарғона вилоятида халқ соғлигини сақлаш борасида узоқ йиллардан буюн самарали ишлаб келаётган, элу юрт иззат-эҳтиромини қозонган ўнлаб, юзлаб шифокорларимизга раҳматлар айта-миз. Улар қаторида вилоят онкология диспансери жарроҳи Хайрулло Исақов, Фарғона ша-

ҳар болалар шифохонаси бўлим мудири Йулдош Эргашев, вилоят болалар шифохонаси бўлим мудири Исмоил Ўринбоев, Кўкун шаҳар болалар шифохонаси ҳақими Аҳаджон Каримов, Ёзёнов ТМШ врач-рентгенологи Жўра Эминов, Сўх тумани силга қарши диспансер фтизиатори Парлибой Ашуров, вилоят қон қуйиш маркази катта ҳамшираси Сожида Қирғизбоева, вилоят туғуруқ уйи бош дояси Солиа Каримова, Тошлоқ

Фаолият



тумани Бирлик ҚВП мудири Муҳаббат Мирзаалиева, Фурқат тумани марказий шифохонаси бўлим мудири Муқаддас Туллабоева ва бошқа ҳамкасбларимизнинг номларини эҳтиром билан тилга олсак арзийди.

Шу ўринда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаларида: "Ўтган давр мобайнида юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда органини мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшни ташкил этди. Жумладан, эркаклар ўртасидаги умр кўриш 66 ёшдан 70 ёшга, аёллар ўртасида эса 70 ёшдан 74,6 ёшга узайганини одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг аниқ ва аққол натижаси сифатида баҳолаш ўринли бўлади", — дея алоҳида эътироф этилди.


Ана шу олижаноб ҳақиқат замирида мамлакатимиз шифокорларининг, шу қаторда Фарғона вилояти тиббиёт ходимларининг ҳам муносиб улуши борлигидан қувонамиз. Ва, албатта, зиммамиздаги вазифаларнинг нечоғли масъулиятли ва шарафли эканлигини, бу йўлда бутун куч-қувватимиз, билимимизни аямаслигимиз лозимлигини ҳис этиб, меҳнат қилмоқдамиз.

Шавкат ХУСАНБОВЕВ, Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи. ®

Қашқадарё вилоят тиббий ташхисот Маркази жамоаси

мустақил мамлакатимиз соғлиқни сақлаш муассасалари заҳматкашларини ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси — Тиббиёт ходимлари куни билан самимий табриклайди.

Қадрли ҳамкасблар, Сизларга мустаҳкам соғлиқ, эл-юрт саломатлиги йўлидаги фидокорона меҳнатларингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин!



— Нigmatjon Исомович! Ўзингизга маълум, тани соғлиқ инсон учун қанчалик муҳим бўлса, соғлиқни сақлаш тизими ҳам жамият ҳаётида шундай зарур соҳалардан саналади. Шу боис юртимизда Истиқлолнинг дастлабки йилларида ноқад мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Чекка туманларда қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада ортди.

Хўш, бу ислохотлар Самарқанд вилояти тиббиётида қай қандай равишда амалга оширилмоқда? — Вилоятимизда уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларга 582 та даволаш-профилактика муассасалари тиббий хизмат кўрсатмоқда. Жумладан, 88 та шифохона, 5 та марказ, 2 та шаҳар марказий шифохонаси, 13 та диспансер, 13 та қишлоқ участка шифохонаси фаолият юритмоқда. Жами қуввати 34 774 қатновга эга 494 та амбулатория-поликлиника, 384 та ҚВП мунтазам равишда халқ хизматида тайёр. Бундан ташқари қишлоқ аҳолисига 240 та фельдшерлик-доялик пунктлари сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан аҳолига малакали тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида икки поғонали тиббий ёрдам кўрсатиш тизими жорий қилинган ва у ҳозирги кунда сама-

Эл саломатлиги — юрт бойлиги

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Нigmatjon ХЎЖАЕВ билан суҳбат

рали ишлаб келмоқда.

— Яқинда Президентимиз томонидан «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармон ва «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Ана шу асосда қандай ишлар амалга оширилади?

— Дарҳақиқат, бу ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, уни вилоят тиббиёт ходимлари мамнуният билан кутиб олди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус дастур ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этмоқда. Жойларда учрашувлар ўтказилиб, маҳаллий матбуот ва телерадио хизматлари орқали фармоннинг мазмун-моҳияти кенг оммага тушунтирилмоқда.

Фармонда 1998 йилдан ҳозирги даврга қадар соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилётган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар ҳам қайд этилди. Шунинг билан бирга ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги кўрсатилиб, уларга ечим топиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, тиббий хизмат самарадорлиги ва сифатини ошириш, ягона ташкилий-услубий раҳбарлик ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг янги замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш борасида чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, халқаро талабларга мос ускуналар билан жиҳозланган диагностика марказлари ташкил қилиш, вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар кўйилган. Бундан ташқари, Фармон ва Қарорда айни вақтда долзарб бўлиб турган бошқа бир қатор тадбирларнинг амалга оширилиши ҳам белгиланган бўлиб, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш тизимида уларнинг ижросини таъминлаш чоралари бошлаб юборилди.

Республика шошилиқ тез тиббий ёрдам илмий Марказининг Самарқанд вилоят филиали ва унинг шаҳар, туманлардаги 15 та тармоқлари аҳолига сифатли хизмат қилиб келмоқда. Улар юқори талабларга ва халқаро талабларга тўла жавоб берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Марказнинг 22 та клиник бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда 350 нафар — 2 нафар фан доктори, 6 нафар профессор, 100 дан зиёд фан номзоди, доцент ва олий тоифали шифокорлар меҳнат қилмоқдалар. Ўтган давр мобайнида филиалнинг 179 нафар шифокори Тошкент шаҳрида, 24 нафари чет давлатларда ўз малакасини ошириб, РШТТЕИМнинг Самарқанд филиали мониторинг, катта жаррохлик ва акушерлик тўпламлари, эндоскоп, УТТ сканери билан жиҳозланган. Компьютерли томография таъмирлаш учун ҳокимлик томонидан 50 млн. сўм, гемодиализ тиббий жиҳозини таъмирлаш учун эса 14 минг евро ва 16 млн. сўм маблағ ажратилиб, Германиядан эҳтиёт қисмлар харид қилинди ва ҳар иккала ускуна ҳозирги кунда халқимиз хизматида.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида, айниқса, қишлоқ жойларида самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва ҚВАлар (Қишлоқ врачлик амбулаторияси) ўрнига замонавий тиббий техника ва умумий амалиёт врачлари билан таъминланган 384 та ҚВП (Қишлоқ врачлик пунктлари) ташкил этилди. Самарқанд шаҳридаги бир неча поликлиникалар негизда оилавий поликлиникалар ва уларга хизмат кўрсатувчи маслаҳат-ташхис маркази ўз фаолиятини бошлади. Бундай тиббиёт масканларини фақатгина ташкил этиш ҳеч қандай маънони англатмайди. Балки улар моддий-техник база билан ҳам етарлича таъминланган бўлмоғи лозим. Мавжуд 384 та ҚВПдан «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида 2004 йил 20 тасига 310 млн. сўмлик; «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида эса 384 та ҚВП ва 4 та оилавий поликлиникага 2006 йили 1235 млн. сўмлик, 2007 йилнинг биринчи ярмида 302 млн. сўмлик тиб-



бий асбоб-ускуна ва жиҳозлар етказиб берилди.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Вилоятдаги барча туғуруқ уйлари ва бўлимлари капитал реконструкция ва таъмирдан чиқарилди. Қўшимча жиҳозланиб, туғуруқ комплекслари яратилди. Бўлғуси оналар саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ва соғлом болалар туғилишига қўмақлашувчи вилоятлараро скрининг маркази вужудга келди. Марказ Япония гранти асосида умумий қиймати 14 минг АҚШ доллари миқдоридидаги юқори технологияли «DELPHIA» тиббий жиҳози, УТТ сканери ва лаборатория ускуналари билан таъминланди. Ҳар бир шаҳар ва туманда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни скрининг текширувидан ўтказиш имконияти яратилиб, бунинг натижасида туғма нуқсонлар билан туғиладиган чақалоқлар сони икки баробарга (179 нафардан 76 нафарга) камайди.

Аҳолига яратилаётган шарт-шароитлардан яна бири шуки, йил охиригача умумий қиймати 1 млрд. сўмлик халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий жиҳозлар келтириш режалаштирилган ва 7 та

HYUNDAI русумли тез тиббий ёрдам машиналари Самарқанд шаҳри аҳолиси учун хизматда бўлади.

— Шу йил Наврўз байрами арафасида Миронкул кўрғонида замонавий кўринишдаги янги 550 ўринли вилоят силга қарши курашиш диспансери ишга тушди. Янги диспансерда беморларга қандай имкониятлар яратилган?

— 2001 йил май ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Вилоятда қонун ижросини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада сил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ишлари яхшиланди. Беморлар ўртасида ўлим кўрсаткичи 25 фоизга пасайди. Оилавий силнинг 201 тадан 96 тагача камайишига эришилди. Шаҳар ва туманларимизда 25 та бактериоскопик таҳлилхоналар қайтадан жаҳон стандартларга мувофиқ жиҳозланди. Уларга ҳар бири 1,5 минг АҚШ доллари қийматидаги 31 та бинокүляр микроскоп олиб берилди. Лабораторияда ишловчи мутахассислар АҚШнинг CDC ташкилоти томонидан ўқитилди. Таҳлилхоналар марказлашган

ҳолда тўлиқ реактив, тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Кейинги беш йил давомида Халқаро дори жамғармаси —GDF ҳисобидан 74 минг АҚШ доллари миқдоридидаги дори-дармонлар олинди.

Силга олган шифохонанинг бунёд этилиши эса бу борада қилинган ишларнинг мантйқий давоми бўлди десак янглишмаймиз. Вилоят силга қарши курашиш диспансери қурилишига 1 млрд. 787 млн. сўм маблағ сарфланган. Жами 94 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналардан РҮМ-20М рентген аппарати, 12Ф-7 флюорография аппарати, 31 дона бинокүляр микроскоп, 3 каналли элетрокардиограф, автоклав, функционал қаравотлар, операция столи, наркоз ускуналари дистиллятор ва бошқа жиҳозлар олинди. Ҳозирда сил билан касалланган беморларни даволаш учун дори таъминоти 100 фоизга етказилди. Шунингдек, захирага ҳам 2 йил учун етарли миқдорда тўпланган.


— «Самарқанд тиббиёти тарихи» китобининг ўқувчилар кўлига етиб борганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса, китоб жамоатчилик орасида муносиб эътироф этилмоқда. Бу китобни чоп этишга нима туртки бўлди?

— «Самарқанд тиббиёти тарихи» китобининг яратилишида кўзда тутилган бош мақсад, ҳамкасбларимиз дунёқарашини кенгайтириш, тафаккур доирасини шакллантиришдан иборат. Зотан, тиббиётимизга тамаал тошини қўйган, илмий-амалий замин ҳозирлаб кетган устозларимизни ва улар чеккан заҳмату машаққатларни қадрлашимиз даркор. Фидойилиқларини, бугунги авлодга ибрат қилиб кўрсатишимиз керак. Зеро, бизга тарих берган сабоқни бошқа ҳеч нарса беролмайди. Афсуслар бўлсинки, тиббиёт ходимлари орасида ҳам ҳали ўзи меҳнат қилаётган шифохоналар тарихига бефарқ қараб келаятганлар кам бўлса-да топилади. Ана шундайлар учун ибрат бўлиши, соҳа фидойиларини эъзозлаш учун мана шундай китоб яратишга жазм қилдик. Ҳозирда «Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш тизими тарихи» номли иккинчи китоб устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Яқинда Самарқанд вилоят тиббиёти тарихи музейи очилади. Биз ҳар бир ходим аввал музейни зиёрат қилиб, ок фотиҳа олиб, кейин ишга киришини анъанага айлантирмоқчимиз.

«Хуррият» муҳбири
Убайдулло ХЎЖАНИЕЗОВ
суҳбатлашди.

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Иштихон туман марказий шифохонаси жамоалари

Мамлакатимиз эл саломатлиги посбонларини ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси — Тиббиёт ходимлари куни билан қизғин муборакбод этади. Кишилар дардига дармон бўлмоқ, беморларга шифо бахш этиш — дунёдаги энг савобли иш. Ана шундай улўф масъулиятли, машаққатли, лекин ғоят шарафли касбингизда омад тилаймиз.




Юртимиз ҳамиша тинч, халқимиз саломат, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Саёҳатнома

Саёҳатда гап кўп. Саёҳат инсоннинг кўли дилини очади, билмаганларини билдиради, аини пайтда онги, тушунча доирасини кенгайтиради. Шу боис тафаккури, феъли кенг, фазилатли инсонни халқимиз «дунё кўрган одам» дейди. Покистон Ислон Республикасида узоқ муддатли хизмат сафариди бўлганимда (1994-1997 йиллар) саёҳатнинг бу ҳикматиға яна бир бор имон келтирдим.

Гап шундаки, Покистон пойтахти Ислонбодда ҳар 2-3 ойда дам олиш кўли дили дипломатик корпус вакиллари учун турли-туман саёҳатлар ташкил этилади. Бу тадбирларнинг ташкилотчиси Покистон Ташқи ишлар вазирлиги бўлиб, мамлакатнинг таниқли тарихчи олими, йирик жамоат арбоби, профессор Аҳмад Хасан Дони гидлик вазифасини бажарди. Марказий Осий тарихи бўйича бу жонқуяр олим ўз юрти ҳар бир гўшаси, тарихий обидалари ҳақида завқ-шавқ билан сўзлаб беради. Ислонбоддан унчалик узоқ бўлмаган Тахсила шаҳридаги собиқ Англия губернатори қароргоҳи, Бунда ёдгорликлари, мамлакат Шимолӣ-Ғарбий (Сархат) провинциясиға қарашли Аббатобод, Мансехра шаҳарларига, хусусан, Мансехрадаги Сайид Ҳамодоний (асли кўлоблик, Наҳмиддин Куброний шогирди, хозирги Покистон ҳудуди ва Кашмирда Кубравийлик тарикатини тарғиб қилган машҳур аллома, қабри Хатлонда Н. Ф.) хотирасига қурилган макбара мажмуғиға қилган саёҳатларимиз ани шундай кўнгилли ва таассуротли бўлди.



Навбатдаги яна бир саёҳатимиз Ислонбоддан 100 километр чамаси узоқликда бўлиб, Натҳиғағали деб аталадиган гўшада эди. У Покистонда машҳур Мари курорт зонаси томонда, Кашмир ўлкасига туташ, Марғала тоғ тизмасининг чўққисида, булутлар макониди эди.

Саёҳатта борувчи гуруҳимиз катта: болалар, тиббиёт ходимлари, турли идоралар хизматчилари ҳам анчагина. Олтирта ўртача катталиқдаги автобусларға жойлашиб, Мари томон йўлга чиқдик.

Мариғача бўлган 35-40 километрлик йўл бизға таниш эди. Чунки ундан бир неча бор юриб, Марида уюштирилган кўп тадбирларда иштирок этганмиз. Йўл халқаро стандартлар мақомида қурилган: барча имконият ва қулайликларға эға. Шу сабаб бу масофани кўз очиб-юмгунча босиб ўтдик.

Лекин Маридан Натҳиғағалиғача бўлган қарийб 60 километрлик йўлнинг ишқали кўп экан. Йўл узоқ муддат давомидиға ғоятда оғир табиий шaroитда машаққатли меҳнат авазига очилган бўлиб, яқин ўртада чала-ярим ишға туширилган. Шу сабаб у тошқоқликдан иборат, асфальт ётқишиға улгурилмаган, йўл чеккасида хавфсизлик тўсиқлари йўқ. Йўлнинг энига фақат бир транспорт сифади. Мабодо, қарши томондан автобус у ёқда турсин, отлик ёки ашак минган йўловчи келиб қолса ҳам бизнинг автобусларимиз тўсиғидан ўта олиши амримаҳол. Бунинг устиға Мариғача бўлган йўл қирликлар, тоғ ёнбағирларидан ўтган бўлса, эндиғи йўлимиз ғоятда илонизи, баландға қараб тик кўтарилиб кетган эди.

Бу йўлға тушишимиз ҳамон автобусларимиз тезлигини кескин камайтирди: оғир юк тортиб келаётган сингарни зуриқиб ба-

миз маймунлар қуршовига кирди-қолди. Маймунларни ҳайвонот боғлариди кўрган бошқа-ю, табиий шaroитда кўрган бошқа экан. Бирови кулранг, бирови қора, яна бировлари сарғиш, кўкимтир, олачи-пор, хуллас турли-туман тусда. Катта-кичик, қош-кўзалари чимирилиб, ўзини вазмин тутиб турган «мўйсафид»ларидан тортиб қўнғиниға дунё юзини кўрган жажжи маймунчаларғача — ҳаммаси жамул-жам бўлиб, бизға қараб термулади. Гўё биз уларни эмас, улар бизни томоша қилаётгандай. Сўнг, кўтилмаганда, маймунона йўнлар бошларини биз уларни эмас, улар бизни томоша қилаётгандай. Сўнг, кўтилмаганда, маймунона йўнлар бошларини биз уларни эмас, улар бизни томоша қилаётгандай.

Кетди. Бирови думи билан шоҳға осилиб «уддабурролиғини» кўрсатса, бирови бир қўлида шоҳдан шоҳға сакраб, аини пайтда иккинчи қўли билан бошини қашлаётган. Яна бирови мушдеккина фарзандини бағриға босиб, боласига бўлган меҳрини кўз-кўз қилса, бошқалари узун-қисқа қийқириқлар билан шоҳдан шоҳға сакраб, бир-бирларини қувлашар, айримлари эса бизға қараб башараларини бужмайтириб, аллақандай ҳаракатлар қиларди. Бизни ҳайрон қолдирган нарси шу бўлдики, бетартибдек тўюлган томоша «мўйсафид» маймун томонидан доимий назоратда бўлиб, у қавмининг бу ҳаракатларидан бир дақиқа ҳам кўз узмай, жиддий кузатиб турарди.

Маймунларнинг йўл бўйлаб «цирк» томошалари анчағача чўзилди. Бундан, айниқса, болаларнинг хурсандлиғини айтиб адо қилиб бўлмасди. Узимиз ҳам йўл бошида чирмашган тундиқликдан чиқиб, руҳимиз тетиклашди, олдинги хафаконлик ўрнини дадиллик ва хурсандчилик эғаллади.

Хурсандчилик хурсандчилиқни етақлаб келади, деган нақл тўғри экан. Маймунлар «базми»ни ортда қолдиришимиз ҳамон бошқа бир ғаройиб табиий ҳодисаға дуч келдик. Энди автобусларимиз шундоққина йўлимиз сатҳида сузиб юрган паға-паға булутлар тўдалари ичига кириб бормоқда эди.

Момикдек оппоқ булут парчалари гоҳ у ёнимиздан, гоҳ бу ёнимиздан сизиб оқиб ўтар, автобус ойнақларидан кўл чўзиб уларни хатто ушлаб олиш мумкин эди. Бу иш, айниқса, болалар учун ғоятда завқли эрмак бўлди. Бироқ болалар ҳарчанд ҳаракат қилмасинлар, ушлаб қололмас, булут парчалари уларнинг панжалари орасидан секин сизиб чиқиб кетар эди.

Йўлдағи манзара ва томошаларға маҳлиё бўлиб, манзилға етганимизни билмай қўлибмиз. Баланд шоти-нарвон зиналарини бир-бир босиб, лик этиб томға чиққандик, автобусимиз теп-текис майдонға кўтарилиди-ю, тўхтади. Натҳиғағали деб номланган улкан плато шу ердан бошланар экан. Эрта тонгдан бери 2,5-3 соат жонимизни ховулаб тепаға тирмашиб, ниҳоят теп-текис майдонликка этиб келганимиз ҳаммамизни қувонтирди, бал-валла қарсақ чалиб юбордик. Сўнг яна бироз йўл босиб, Сархат провинцияси бошлиғининг ёзлик қароргоҳига кириб келдик.

Мезонлар билан саломлашиб бўлганимиз ҳамон бизнинг келишимизға шайланиб турган этнографик бадий гуруҳ концертиға тақлиф қилиндик. Концерт дастури тарихан шу атрофда яшаган тоғлик эл-эзлатлар кўйлари, кўшиқлари, рақсларидан ташкил топган, ижрочиларнинг кийим-бошлари, пардоз-андозлари ҳам тарихий ўтмишни эслатар эди.

Қизларнинг кийимлари, айниқса, антика. Ажабтовур бичимдағи ранго-ранг узун ва кенг кўйлақлар, уларға солинган хилма-хил кашталар, бу ерларда ўсадиган манго ва бошқа дарахтлар мевалари катта-кичик данакларидан тизилган узун-қисқа турфа тақинчоқлар, қўл ва оёқлари ни беэаб турган балдоқлар, кўйингики — барча-барчаси биз тамошабинлар кўз ўнгида ўша атроф тоғлик қавмлар образини жонлантириб турарди.

Муслиқа садолари ҳар бир кўшиқ ёки рақс мазмуниға қараб ўзгарди. Кўйлар нисбатан узунроқ ҳамда маълум даражада бир маромда бўлса-да, ёқимли эди. Йигит билан қиз ижро этган рақс ва ларлар, айниқса, гўзал. Хуллас, 30-40 дақиқалик концерт дилларимизға ёқиб тушди: ижрочи — артистларни самимий қарсақларимиз билан олқишладик.

Концертдан сўнг эркин ҳолда плато майдонини айланишимиз мумкинлиғи айтилди. Ҳаммамиз иккита-учта ёки оила-оила бўлиб майдон оралаб кетдик. Майдон кенг, адоғи кўринмайди. Дарахтлар синрақ. Шу сабаб узоқ-узоқлар ҳам кўз ўнгиғизда ойнадай кўриниб турибди.

Давоми 7-бетда.



ландға «эмалкай» бошлади. Ён тарафимизда тоғ харсанглири «девор» бўлиб турибди, чағда эса худди жаҳаннамнинг ўзидек — тубсиз жарлик. Ён-веримизда инсон зоти яшаш мумкин бўлган хатто бирор қапа ҳам йўқ...

Йўл бўйлаб чўзилган пасту баланд даралар қалин арча дарахтлари билан қопланган тайгани эслатарди. Дарахтлар ғоятда тизилгидан арчалар осмон томон тик ўсган. Айримларининг бўйлари илонизи йўлдан 2-3 ҳалқа юқори кўтарилсангиз ҳам сиз билан биргалликда чўзилиб кетаверади.

Шу зайл баландға қараб кўтарилиб бораямиқ. Онда-сонда йўл қурувчилари, тоғ мулошиларидида тик кўлб чести бериб турган полиция ходимлари кўриниб қолади. Автобусда кета туриб, иложи борича, йўлнинг чап тарафига қарамасликка ҳаракат қиламиз. Лекин баъзан бунинг иложий бўлмақ қолади. Бехосдан кўзимиз жарликка тушса борми, юрагимиз орқаға тортиб, вужудимизни совуқ бир ҳиссиёт чўлгаб олади. Шунда беҳитёр нимага ҳам шу сафарға чиқдим, деган афсус хаёлимиздан ўтади. Лекин сўнги пуйаймон ўзиниға душман, дадил бўлиш керак, сабрини тағи олтин, дейман ўзимға ўзим.

Дарвоқе, кўп ўтмай эрмак ҳам тоғилди. Чап ёнгинамизда йўл четиға тақалиб келаётган дарахтзор шоҳлариди маймунлар тўдаси пайдо бўлди. Баландға кўтарилганимиз сайин уларнинг тўдалари кўпайиб, хаш-паш дегунча автобуслари-

3000 ёшли фиръавн кўрғазмада

Мисрнинг машҳур фиръавни Тутанхамон илк маротаба юзи очик ҳолда кўрғазмаға кўйилди. 3000 йиллик тарихға эға ҳукмдорнинг мўмийланган жасади Луксор ҳудудида Фиръавнлар водийсида сақланади. Хозирға қадар Тутанхамоннинг юзини фақатгина санокли мутахассислар кўрган, холос. Эндиликда кенг жамоатчилик ҳам



афсонавий ҳукмдорнинг асл ҳолатидан бохабар бўлиши мумкин. Фиръавнинг жасади махсус ҳимояланган ойнада, белгиланган намлик ва ҳарорат остида томошабинлар эътиборига ҳаво-

ла этилган. Маълумотларға қараганда, Тутанхамон Миср давлатини милотдан аввалги 1333-1323 йилларда идора этган. 10 ёшида давлат тепасига келган ҳукмдор 19 ёшида вафот этган. Фиръавнинг қабри 1922 йили инглиз археолоғи Говард Картер томонидан очилган. Қазималар пайтида Фиръавнинг қабридан 1,2 тонна тилла буюмлар ҳам тоғилган.

Мьянмадан БМТ вакили чиқариб юборилди

Мьянмада ҳокимият тепасида турган ҳарбий хунта томонидан БМТ ривожланиш дастурининг маҳаллий бўлими раҳбари Чарльз Петри чиқариб юборилди. Ташкилот бош қотиби Пан Ги Мун ушбу ҳолатдан ташвишда эканини билдирган. Мьянмаға ўзининг махсус вакили Иброҳим Гамбарини юборган бош қотиби

ташқи мамлакатда барқарорлик бўлиши учун ҳарбий хунта халқроқ ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиғини таъкидлаган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг августиди руй берган норозилик чиқишлар туғайли Жанубий-шарқий Осийнинг мазкур кичик давлатида беқарор вазият вужудға келди. Аҳолининг норозилик чиқишларини бартараф этган ҳарбийлар аини пайтда мамлакатни идора этиб туришибди.

Мексикада сув тошқини

Испания аҳолиси уй-жой, терроризм ва ишсизлик муаммоларидан жиддий хавотирға тушмоқда. Мамлакат ижтимоий тадқиқотлар маркази томонидан ўтказилган сўрловлар ани шундай натижани кўрсатди.

Мексиканинг жанубий штати Табаскода руй берган сув тошқини оқибатида бир миллионға яқин аҳоли жабр кўрган. Мамлакат тарихида энг даҳшатли табиий офат деб баҳоланётган тошқинлар сурункали ёмғир туғайли юзгаға келган. Хабарларға қараганда, табиий офат туғайли 700 минг киши Табасконинг тарқ этишға мажбур бўлди. Яна 300 мингдан ошиқ киши ёрдамға муҳтож ҳолда

ташқи дунёдан узилиб қолган. Тошқиндан жабр кўрганлар сув ва озиқ-овқат этишмовчилиғидан ҳам азият чекишмоқда. Мексика президенти Фелипе Кальдерон мамлакат аҳолисини табиий офатдан азият чекаётган ватандошларини кутқаришда иштирок этишға чақирган. Синоптикларнинг маълумотиға қараганда, минтақадағи совуқ ҳаво оқими ёнғинчилик яна давом этишидан далолат бермоқда.

Испанларнинг ташвиши

Тадқиқотда иштирок этган фуқароларнинг 37,3 фоизи турар жой, 35,4 фоизи терроризм, 35,5 фоизи ишсизликни асосий муаммо сифатида эътироф этган. Сўров Испаниянинг 250 га яқин аҳоли пунктида бир ҳафта давомиди ўтказилган.

Аини пайтда Испаниянинг 65 фоиз аҳолиси ипотека кредитларидан фойдаланади. Шу боис ҳам аҳоли бирламчи муаммо сифатида турар жой масаласини тилға олган. Шунингдек, мамлакатда ишсизлик даражаси 8 фоизни ташкил этаётгани ҳамда баск айирмачилари томонидан тинимсиз кўпорувиликлар уюштирилатгани испанларнинг мазкур икки хавф-хатарға эътибор қаратишға ундаган. Тадқиқот натижаларига кўра, 29,2 фоиз аҳоли Испанияда муҳожирларнинг кўпайиб бораётганидан хавотирда эканини билдирган.

Халқаро воқеалар GLOBUS INTERNATIONAL LIFE Олтин нархи неға кўтариляпти? Бир унция олтин нархи Нью-Йорк савдо биржасида 800 АҚШ долларига етди. Мутахассислар 1980 йиллардан буюн қимматбахо металл нархи бу қадар кўтарилмаганини эътироф этишмоқда. Олтин баҳосининг ошишиға АҚШ федерал захира тизимига кўйилган ставкаларнинг пасайиб кетгани сабаб бўлган. Бу ҳолат доллар курсининг заифлашуви ва нефть баҳосининг кўтарилишиға ҳам олиб келган.

Дараклар

Украинадағи етакчи сийбсатдонлардан бири Юлия Тимошенко мамлакат ҳукумати ва маҳаллий маъмуриятлардағи айрим ўринларни муҳолифатта беришға рози эканлиғини билдирди.

Тимошенко муҳолифат билан келишувға рози

Тимошенконинг таъкидлашиға қараганда, бош вазир ўринбосари, вазир ўринбосари, спикер ўринбосари каби лавозимлар муҳолифат вакилларига берилади. Бу орқали сийбсатдон хоним амалдағи ҳукумат фаолияти оппозицион кучлар томонидан назорат қилиб борилишиға эришмоқчи.



Юлия Тимошенко ҳар бир вазирликнинг ишини текшириб турадиган назорат қўмиталари тузилишини ҳам маълум қилган. Хабарингиз бор, Украинада Олий Рада учун муддатдан олдин ўтган сайловда Виктор Януковичнинг Худудлар партияси галаба қозонган эди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса аини пайтда коалиция тузиши кутилаётган Юлия Тимошенко блоқи ҳамда «Бизнинг Украина» партияси эғаллаган.

Shell компаниясиға қарашли ёқилғи қуйиш шохобчаларида ҳайдовчиларға янги қулайлик яратилди. Бунға мувофиқ, бензин харид қилишни истаган ҳайдовчилар бармоқ изларини махсус сканердан ўтказадилар ва шу орқали ёқилғи ҳақини тўлайдилар.

Бармоқ изи орқали тўлов

Мазкур биометрик усул Pay by touch деб номланади. Харидор бармоқ изларини сканердан ўтказганидан кейин маълумотлар базасидиға банк ҳисоб рақами текширилади ва маҳсулот нархиға мувофиқ пул ушлаб қолинади.

Shell компанияси вакилининг сўзларига қараганда, мазкур қулай ва содда пул тўлаш усулидан фойдаланиш учун миқоз истаган ёқилғи қуйиш шохобчасига бориб, паспорт ва ҳисоб рақами ҳамда бармоқ изларини киритиш қўйиши керак.

Аини пайтда мазкур тўлов усулидан компаниянинг ривожланган давлатлардағи миқозлари фойдаланишмоқда.

Туркиялик олимлар дунёда илк марта бир неча дақиқа ичида қон оқитишни тўхтатувчи дори ихтиро қилишди. Мазкур кашфиёт гемофилия касалини даволашда ҳам қўл келиши мумкин.

Қонни тез тўхтатувчи дори ихтиро этилди

Янги дори воситаси Туркиянинг Хожитепа университетиди яратилди ва тажрибадан ўтказилди. Санокли дақиқалар ичида ҳар қандай даражадағи жароҳатни битказадиган тиббий препарат қон йўқотиш туғайли руй берадиган ўлим ҳолатини камайтиришға эҳтим қилади.

Қонни тўхтатувчи восита турли хил гиёҳлардан тайёрланган бўлиб, ундан қандли диабет хасталиғини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Шарҳ

раҳбари турк расмийларини муаммони дипломатия йўли билан ҳал этишға чақирар экан, курд айирмачиларини «умумий ганимимиз» деб атаган. Ўз навбатида Туркия ташқи ишлар вазистри Али Бабақан АҚШнинг Ироқдағи курд айирмачиларига қарши етарли даражада кураш олиб бормаётгани, шу боис ҳам Туркия вазиятни кўлга олиш ва сўздан амалий ҳаракатға ўтишға қарор қилганини таъкидлаган.

Қури кеча Туркия бош вазистри Режел Тайип Эрдоғанининг АҚШға расмий ташрифи чоғида ҳам Курдистон масаласи муҳокама марказидағи масалалардан бири бўлди. АҚШ маъмурияти Туркия бош вазирини ҳарбий ҳаракат режасидан воз кечишға ундаган, бунға жавобан эса курд айирмачиларига қарши курашини кучайтиришға сўз берган.

Маълумотларға қараганда, Ироқ шимолида — чегара ҳудудида 3500 га яқин курд жангарилари мавжуд. Албатта, бир неча юз минг аскарға эға бўлган армия учун бунча миқдордағи жангарини маҳв этиш бир неча кунлик иш бўлиши мумкин. Лекин мазкур вазиятда асосий муаммо душманни енга олиш ёки олмаслик масаласида эмас. Бу ўринда гап бошқа бир муастакил давлат ҳудудиға қўшин билан киришдек ўта нозик масала устида кетаяпти. Боз устиға, айирмачиларға қарши амалиёт Эррон, Сурия каби мамлакатларда истикомат қилаётган курд миллатиға мансуб аҳолида ҳам норозилик уйғотиши мумкин. Бундан ташқари, халқроқ ҳамжамият олдидағи маъсулият туйғуси эҳтиёткорроқ бўлишға ундаётганға ўхшайди. Шу боис ҳозирча расмий Анкара Курдистон айирмачиларига қарши иктисодий жазо чоралари жорий этишға ҳаракат қилаяпти. Қолган асосий саволлар эса ҳозирча жавобсиз қоляпти.

АҚШ Давлат қотиби Кондолиза Райсининг ўтган ҳафта охирида Анкараға ташрифини ҳам ани шу мақсад билан изоҳлаш мумкин. Америка ташқи сийбсат маҳкамаси

Курдистон «лабиринт»и

Ихтилофни ким ҳал этади: дипломатларми ёхуд ҳарбийлар?

Туркиянинг Ироқ шимолидағи Курдистон айирмачиларига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаш режаси халқаро ҳамжамиятнинг тарафдорлиғиға солиб қўйди. Ироқ Анқаранинг ушбу мақсадини миллий суверенитетта таҳдид сифатида баҳоледи. Ироқда аксилтеррор амалиётлари олиб бораётган АҚШ Курдистон ҳудудида ҳарбий операциялар амалда оширилгудек бўлса, мамлакатдағи вазият бундан-да ёмонлашувидан хавотирда эканини маълум қилди. Уз навбатида Европа Иттифоқи журъатсизлиғиға бўлса-да, Туркиянинг Курдистонға қарши ҳарбий амалиётига эътирозини билдирди.

Аслида Туркия давлати ва Курдистон ишчилар партияси ўртасидағи ихтилоф кеча пайдо бўлиб қолган муаммо эмас. Курдистон ишчилар партияси 1970 йилларда Туркия ҳудудида ташкил этилган эди. Мазкур айирмачи ҳаракат ўтган чорак асрдан ошиқ муддат ичида Курдистон давлати муастаклиғи деган ниқоб билан Туркияда жуда кўп бора кўпорувилик ҳаракатлари уюштирди. Курд айирмачилари етакчиси, неча йиллар давомидида тутқич бермас касоксор сифатида кураш олиб борган Абдуллоҳ Ожаланнинг кўлга олиниши ва умрбод қамоқ жазосига ҳқм этилиши билан Туркия оз бўлса-да, хотиржам нафас олгандек эди. Лекин 2004 йилдан бошлаб Курдистон ишчилар партияси яна қаршилик ҳаракатиға зўр берди. Бу орада курд айирмачилари бир неча марта ўқ отишнинг тўхтатиши, яна неча марота-

ба ўзалари тақлиф этган сулҳ битимларини бузишди. Туркия учун, хусусан, охириги ойлар таҳликали ва нотинч келди. Мамлакатнинг турли шаҳарларида амалға оширилган терактлар ва курдлар билан тўқнашувлар пайтида ёз давомиди юздан зиёددам қурбон бўлди. Бу ҳолат Туркия ҳукуматини кўндан бери пайсалға солинаётган муаммони биратўла ҳал этишға қорлади.

Октябр ойида расмий Анқаранинг курд айирмачиларига қарши ҳаракати бирмунча жадаллашгани кузатилиди. Агар шу пайтгача Туркия раҳбарияти курд айирмачиларига қарши умумий баёнот ва кичик амалиётлар билан чегараланган бўлса, охириги вақтда Режел Тайип Эрдоган бошличилиғидағи ҳукумат Ироқ шимолидан қўнним тоғдан кўпорувилик кучларни бутунлай яқсон қилишға ният қилаяпти. Бу гап расмий Анқаранинг максиди жиддий, нияти қатъий экани ифодаси шуки, мамлакат парламенти ўтган ойда Туркия ҳарбий кучларига бир йил ичида Курдистон ишчилар партиясиға қарши ҳарбий операцияларни бошлаш ҳуқуқини берувчи махсус қонун қабул қилди. Албатта, гарчи террорчиликка қарши бўлса ҳам, бошқа бир муастакил давлат ҳудудиға қўшин олиб кириш биргина қонун билан амалға ошиб кетаверадиган жараён эмас. Бу борада халқаро ҳуқуқнинг ёзилган ва ёзилмаган қоидаларига риоя этмасдан илож йўқ.

Туркия қонунчилик идораси томонидан Ироқ шимолида ҳарбий амалиётлар ўтказишға изн берувчи қонуннинг қабул қилиниши тузукниға шов-шувларға сабаб

бўлган, боз устиға, бу ҳолат дунёға ҳукмронлик давросидағи айрим давлатларнинг ошқора тинчини бузгани ҳам бор гап. Курд айирмачиларига қарши амалиёт режаси Ироқ ҳукумати ҳам ташвишға солиб қўйди. Аслида расмий Анкара кўндан бери Бағдод ҳукуматини айирмачи кучларға қарши етарли чора-тадбирлар кўрмасликка айбал келади. Туркия парламенти ҳарбий амалиёт бошлаш тўғрисида қонун қабул қилганидан кейин Ироқ ҳукумати мамлакатдағи Курдистон ишчилар партиясининг барча идораларини ёқди, партиянинг молиявий ҳисобларини ҳам музлатиб қўйди. Ироқнинг Курдистон маъмурий ҳудуди раҳбари Масуд Барзани ҳам айирмачи партияни қорқонли ташлаш ва Туркияға қарши кўпорувиликларни тўхтатишға чақирди. Анқарада қабул қилинган қонун уруш туғайли жиддий маъсулиятдан ўзини олиб қочаётган Ироқ ҳукуматини ҳам ҳаракатлантириб юборди.



Ибрат

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб, суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар изчил амалга оширилиб келинмоқда.



далолат беради. Яна шундай ҳулосага келиш мумкинки, халқимиз тобора ўз ҳуқуқини таниб бормоқда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги йилдан йилга ошапти.

Фармонда белгиланган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича мустақил судлар ташкил этиш масаласи янги тахрирдаги "Судлар тўғрисида"ги қонун мундарижасидан жой олди. Қонунда илк конституциявий мустақиллиги расман қонунийлаштирилди ҳамда мустақиллик макомидан келиб чиқувчи вазифалар аниқ белгилаб берилди.

Мазкур вазифа кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланган, амалий ижросини таъминлаш мақсадида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2000 йил 14 августда "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Фармонга мувофиқ, умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди ва 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судлар алоҳида тарзда фаолият кўрсата бошлади.

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят ва туманлараро судлари ҳам ихтисослашувдан сўнг одил судловнинг самарадорлигини оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз хиссасини кўшиб келмоқда.

Хусусан, 2001 йил давомида вилоят ва туманлараро судлари томонидан 2.429 та иш мазмунан кўриб ҳал этилган бўлса, 2006 йилга келиб 4.982 та иш бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилган, бу эса давлолатнинг йилдан йилга ўсиб боришига янгидан янги даъво турларининг кўпайишига олиб келганлигидан раиси.

бор умумий юрисдикция судларида процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири — ишларнинг апелляция тартибда кўриб чиқилиши назарда тутилди. Бу институтнинг жорий қилиниши юқори суд инстанциясида далилларни бевоусита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини берди, натижада фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтирди, суд ишларини юритиш самарадорлигини, тезкорлигини оширди, давлат маблағларининг жиддий тежаллишига олиб келди.

Бундан кўринадики, апелляция институти биринчи инстанция судларининг ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримлари қонунийлиги ва асослигини текшириб, улар томонидан йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф эта бориб, одил судловнинг тўғри амалга оширилиши ҳамда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қонунийлик мустаҳкамлашини таъминлаётди.

Иккинчи қақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибда иш юритиш ҳақидаги алоҳида 201 – боб билан тўлдирилганлиги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми бўлди.

Суд буйруғи институти фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларининг ўз вақтида, сансалорликсиз ҳал этилишига қаратилган суд ислоҳоти самарасидир.

Зеро, бу тадбирлар ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омиллардандир.

Хусан МУЛЛАЖОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг раиси.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг ишдаги ахборот кўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Обуна — 2008

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг вақтли нашрларига 2007 йил учун обунани расмийлаштириш давом этаётганлигини ҳамда 2008 йил учун обуна мавсуми қизгин паллага кирганлигини маълум қилади.

Вақтли нашрларга обунани расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг барча алоқа бўлимларида, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг обуна қабул қилиш бўлимлари ва компания таркибидаги шўъба корхоналари ҳамда масъулияти чекланган жамиятларда Сиз учун қулай бўлган вақтда амалга оширилади. Нашрларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши кафолатланади.

Сиз ана шу ҳақда қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 133-08-34, 134-85-99

— Шифокорликдан улғурок, савоблироқ касб йўқдир дунёда. Тирик жон борки, унинг ҳимматиға, меҳру шафқатиға барибир муҳтож бўлади. Сен учун энг оғир дамларда ҳатто ота-онанг, суяк-ли фарзандларинг, оқибатли дўсту биродарларинг ҳам ноилож қолган пайтларда, чексиз молу дунёнг бўла туриб ҳам, кўз олдинда бутун олам зимистонга айланган чоғларингда фақат, бирдан-бир нажотни Аллоҳдану бошингда тик турган духтирлардан кутасан. Кўзларингдан илинж ва илтижо билан боқасан уларга.


Шифокорлар нафақат даволайдилар, улар сени ҳар хил касалликлардан асрайдилар ҳам. Ҳамиша соғлом ва бақувват юрмоғинг учун жон куйдирадилар. Бу йўлда сенга қимматли маслаҳатлар-у амалий ёрдамлар беришдан асло чарчамайдилар. Ҳўш, нега энди шунчалик мўтабар касб фидойилари олдида таъзим қилмас эканмиз. Уларни ҳар қанча улугласак, ҳар қанча кадрласак шунча камдир...

Кўқон шаҳар бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Комилжон Сирожиқовнинг телевидеор суҳбатидан гапини охиригача тинглашга имкон бермади. Кўқис телефон кўнғироғи босиб, овозини пасайтирди-да, ким биландир сўзлаша кетди:

— Сизни суриштирганим сабаби, «Хурлик» маҳалласидан бир гуруҳ ота-оналар жамоангиз номига раҳматнома ёзиб йўллашди. Шунга айтиб қўймоқчи эдим. Маъмурият номидан миннатдорчилик билдираман.

Табассумда садаф жилоси

Кейинроқ маълум бўлишича, болалар стоматологияси поликлиникаси бош шифокори Насибхон Имомназаров кўнғироқ қилган эканлар.



— Одатда духтирлар ҳақида гап кетганда, биз кўпинча жиддий касалликларни даволовчи шифокорларни кўз олдимизга келтирамиз, — деди Комилжон ака истеҳзоли оҳангда. — Бирок менимча, оғриқдан азоб чекиб, додвойлаб турган боланинг ноласию кўз ёшидан оғирроқ юк бўлмас керак. Шунинг учун ҳам бемор болани даволовчи шахс педиатри, травматолог ёхуд стоматологми, барибир, ҳаммасининг ишига жиддийроқ баҳо беришга тўғри келади...

ҳамширалар беминнат хизмат қилаётган шифохонанинг рентгент ва ташхис, даволов ва бошқа хоналарининг замонавий тиббий-техник анжомлар билан жиҳозлангани, энг муҳими тиш касалликларини оғриқсиз даволаш усуллари жорий этилганининг гувоҳи бўлди. Стоматолог мутахассисларнинг, меҳрибон ва жон-

қуяр тиббий ҳамшираларнинг бемор болалар учун кўрсатаётган фидойиликларидан қувондик. Айниқса, Дилфуза Носирова, Маҳбубахон Содикова сингари олий тоифали шифокорлар жамоасининг фахри, кўкониликларнинг хурмат-эътиборини қозонган тиббиёт ходимлари экан.

Поликлиника бош шифокори Насибхон Имомназаровнинг ўз касби ва раҳбарлик ишига ўта талабчан эканлигини, унинг саъй-ҳаракати билан аҳолига патронаж хизмати кенг йўлга қўйилгани, айтиш пайтада жамоа шаҳардаги 42 та мактаб, 3 та интернат, 2 та Меҳрибонлик уйи, Гўдақлар уйи ва ногиронлар жамиятига, 54 та болалар боғчаларига хизмат кўрсатишини айтишди. Шунингдек, тез-тез маҳаллаларда бўлишича, профилактика ва соғломлаштириш ишларини ҳам амалга оширишаркан.

— Оғриқсиз даволов усуллари-миз туфайлими, ҳар ҳолда биргина Кўқоннинг ўзидан эмас, баъзан теваарак-атроф туманлардан ҳам ота-оналар ўз болаларини шу ёққа олиб келишади, — дейди Насибхон мамнун қиёфада. — Биз ҳеч кимни қайтармаймиз. Чунки бемор боланинг жонига оро киришдан, дардига малҳам бўлишдан, унинг беғубор табассумини кўришдан ортиқроқ бахт, савоблироқ иш бўлмас керак.

Сиз минг қарра ҳақсиз, Насибхон. Болалар табассумида садафлар жилосини кўриб яшашга нима етсин!

МУХБИРИМИЗ

Кўқон шаҳар марказий шифохонаси жамоаси

юртимизнинг барча шифокорларини, устоз ва мураббийларни, бўлажак саломатлик посбонлари бўлмиш талаба- ёшларни мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси — Тиббиёт ходимлари куни деб белгилангани муносабати билан қизгин табриклайди.

Сиз азизларга элимиз саломатлигини сақлашдек эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар, ўзларингизга эса бахт ва омад тилаймиз!

Таълим даргоҳларида

Саодат ошиёни



— Кимга қандай туюлар билмадим. Лекин мен Кўқон тиббиёт коллежини чиндан ҳам Истиқлол саодати ошёнларидан бири, деб ҳисоблайман. — Кўқонлик шоир дўстим Мансур Абдулланнинг таърифи бу. — Бу даргоҳ илгариям бўлган, албатта. У вақтлар "Медтехникум" деб аталарди. Бир ҳовучгина қизлар ўқишар, биносиям гариб, ўқув базасиям ҳаминкадар эди. Энди-чи? Ҳашиллаб томоша қилиб олинг, бундай ҳашаматли, чиройли ўқув

шуъла Истиқлолнинг истиқболдан аксланиб турган мунавварлик шуъласи... Шоир дўстим юз фоиз ҳақ. Билим даргоҳи қўйнини тўлдириб-яшатиб турган, чиройли кийинган, шўх-шаддат ва шодон ўсмир ўғил-қизларни ички бир ҳаяжонда қузатарканман, ҳавасим кўзгаёйди: — "Эсиз, ортда қолган ёшлигимиз..." У даврлар ҳозиргидек чиройли кийинишлар қайда эди-ю, кўнгиладан кечган гапни, бўғзингизда

тиқилиб турган нидони бемалол чиқариш имкони қайда эди... Тиббиёт коллежида ёшлар бешта йўналиш бўйича сабоқ ва малака олишяпти. Тиббий ҳамширалик, даволов, лаборатория таҳлили, доришunosлик ва акушерлик ихтисосларини эгаллашяпти. Улар учун муҳайё этилган ёруғ ва шинам дарсхоналар, амалиёт лабораториялари ва бошқа ўқув-машгулот хоналарининг қанчалик бой жиҳозланганини, кўргазмалли қуроллардан тортиб, амалий машқ анжомлари, яна энг муҳими компьютерларгача таъминлаб қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Ётоқхоналарнинг ёзда салқин, қишда иссиқ тутувчи замонавий агрегатлар билан жиҳозлангани, китобхоналик ёхуд дарс тайёрлаш, овқатланиш ва дам олиш бўлмаларидаги қулай шароитлардан тортиб турли хил тўғараклар ҳамда жисмоний тарбия машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган залларни кўриб ҳайратингиз ошади. Олий тоифали мутахас-

сис, халқ аълочиси, моҳир ташкилотчи ва фидойи инсон Замирахон Охунова бошқараётган мазкур билимгоҳда талабаларга ўз танлаган ихтисослари бўйича билим ва малака бериш билан бирга, уларда олижаноб инсоний фазилатларни шакллантириш, истиқлол гоёларига садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш каби жиҳатларга ҳам жиддий эътибор бериларкан. Биз ташриф буорган куни коллежда "Истиқлол менинг тафаккуримда" деган мавзуда барча босқич талабаларга ҳам жиддий эътибор бериларкан. Биз ташриф буорган куни коллежда "Истиқлол менинг тафаккуримда" деган мавзуда барча босқич талабаларга ҳам жиддий эътибор бериларкан.

этиборимиз, тараққийёт йўлидаги беназир имкониятларнинг барчаси Истиқлол неъматларидир!" "Истиқлол — бебаҳо хазиналар қазини. Менинг, сенинг, барчамизнинг бугунги ва эртанги тақдир йўлимизни ёритувчи машъаладир". Билимгоҳ директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Саодатбону Аҳмадулова, ишчан ва малакали ўқитувчилардан Анваржон Дадабоев, Саодатхон Мадаминова, Юлдузхон Исақова, Хуршида Юсупова билан суҳбатимиз чоғида коллеж талабалари учун бу ерда 82 та тўғрақ фаолият юритаётгани маълум бўлди. Миллий истиқлол гоёси, бахтимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳияти, Президентимизнинг мамлакатимиз ёшлари учун белгилаб бераётган улғувор вазифалар мавзуларида яна бир қатор жонли ва қизиқарли тадбирлар ўтказилаётганини айтишди. Биз бу билим ва касб масканидаги таълим тарбия ишларидан кўнглимиз яйраб, бўлажак шифокорлар ўқув даргоҳининг ёшларига бахтиёрлик тилаб қайтдик. Каҳҳор СОЛИХОВ

Оқ булут парчалари

Давоми. Бошланиши 5-бетда.

Биздан 10-15 метр наридан жарлик ўтган. Унинг нариги томони Кашмир ўлкасининг ерлари экан. Жарликнинг туби чуқур, эни эса тор бўлиб, бир бутунликни шарт бўлиб турган кесмага ўшарди. Шу сабаб, биз турган ер, вертолётда баландга кўтарилиб пастга қарасангиз, улкан бир торт ёки пирогнинг бир чеккасини кесиб қўйилган парчасини эслатди.

Бу ерларни кўриб табиатнинг биз билмас сирларига қўйил қоласан, киши. Атиги 2-3 соат олдин сунукасига харсанг тошлар, тошлоқлар, қайроқлар исканжасида йўл босиб келган бўлса, энди теп-текис ва соз тупроқ "тўшалган" улкан майдон устида турибмиз. Гўёки қайси бир замонда, кимлардир ўша замоннинг афсонавий самовалларида бу ерларга тупроқ ташитгану, алпақандай кудратли бульдозерлар ойнадек текислаган.

Бугун атроф, жумладан қўшни Кашмир ерлари ҳам бир хил улкан гилам тўшалгандек кўм-кўк майсазор. Майсалар майин-тоза, бир текис бўлиб таралган. Бизни ҳайрон қолдирган нарса яна шу бўлдики, майсалар орасида бирорта ҳам ёввойи ўт йўқ. Пастда, водийларда, ҳатто кичкина майдончаларда бундай тоза майсазорни махсус боғбон сақлаб ҳам ўстириш мушкул. Лекин, қарангки, бу ерда, баланд платода, улкан майдонларда бундай ўт инжиқ юмушларни табиатнинг ўзи бошқариб борган.

Булутлар хусусида шундай айтиш керакки, ҳали йўлда учратганимиз булутлар ҳалво экан. Баъзан бошимиз узра, пастроқ дарахт

баландлигида ола-була булутлар пайдо бўлади-ю, гоҳ сепалаб, гоҳида эса машинадан сув сепгандай ёғиб ўтиб кетаверади. Шу сабаб ҳавода гард йўқ, осмон тиник. Кўёш "пастгинада" чараклаб нур сочиб турибди.

Шу йўсин платонинг соф ҳавосидан чуқур-чуқур нафас олиб турибмиз. Шу пайт тушлик нонуштага таклиф этишди. Бизга қолса, тушлик ҳам қилмай сайр этган маъқул. Лекин бизнинг бу ерда бўладиган вақтимиз дақиқаларига гача ўлчовли.

Хайриятки, нонушта майдоннинг энг сўлим жойларида бирида, очик ҳавода уюштирилибди. Тўртта-тўртта бўлиб столларда жойлашиб тушлик қилаямиз. Оёқларимиз остида, столимиз устида яна ўша булут "қайиқ"чалари, уларга энди эътибор ҳам бермаймиз. Лекин бир маҳал қаёқдандир шимолий музликларда учрайдиган баҳайбат оқ айиқлардек бир булут пайдо бўлди-ю, оёқларимиздан тортиб бўйинларимизгача қоплаб олди; ўтирган стол-стуларимиз, емиш-ичимликларимизни ҳам «ютди-қўйди».

Булутлар устида фақат тўрттоқсон — сафардошларнинг бошлари лиқиллаб кўриниб турарди. Гўё тўртталамиз ҳам денгизда чўмилаямиз, бошимизни сувдан чиқариб, гаплашиб турибмиз. Аксига олиб, ҳадеганда булут ўтиб кетмас, ер узра имиллаб судралиб борарди. Ниҳоят, ўтиб кетди, қайта нонуштага киришдик.

Нонушадан сўнг кўл хунармандлиги санъати, ундан кейин Сархат провинцияси ҳаётига доир расмлар кўргазмаларини

томоша қилдик. Шубҳасизки, бу кўргазмаларда намойиш этилган экспонат ва ахборотлар бизда яхши таассуротлар қолдирди.

Саёҳатдан ва бу ерда кўрганларимиздан кўнглимиз кўтарилиб, кайфиятимиз чоғ. Бунинг устига бу ерга қадам қўйишимиздан хозиргача майдоннинг бир четига ҳарбий оркестр тинимсиз равишда ёқимли марш куйларини чалиб, кунимизга байрамона тус бериб турибди.

Шу аснода орқага қайтиш вақти ҳам қинлашди. Қоронғу тушмасдан Маригача етиб бориш мақсадида соат тўртларда эрталабки тартиб бўйича автобусларимизга жойлашдик ва пастга қараб йўл олдик.

Барчамизнинг ўйимизда пастга тушиш осонроқ бўлса керак, деган фикр ҳукмрон. Лекин, қаёқда дейсиз, бу ҳам юқорига кўтарилгандай осон хунлардан эмас экан. Ҳарқалай, эрталабки тажриба ва кун бўйи кўрганларимиз кўл келиб, яхши кайфиятда Исломободга етиб келдик...

... Шундан бери 11 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин то ҳануз осмонда оқ булут парчаларига кўзим тушса, ўша саёҳатни эслаймман...

Яна шундай айтишим жозиқ, шундай гўзал табиатли гўшаларда юрган чоғларимизда ҳам юртимиз тупрогини, ҳавосини дилдан ўтказиб, юракдан Ватан меҳрини кўмсайсан. Чиндан ўзимизнинг Ўзбекистонимиздек жаннамакон юрт — оламда йўқ. Мен кўп ортларда саёҳатларда бўлиб, англаб етган ҳақиқат шу бўлди.

Наим ҒОЙИБОВ

Инсоният тарихидаги ҳар бир кашфиётнинг ўзига хос шаклланиш ўлчиши, тараққиёт босқичлари, шу жумладан, одамзот заковатининг мўъжизаларидан бўлмиш ёзувнинг ҳам ажиб ўлчиши борки, у ҳеч бири-мизни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида олимлар — тарих фанлари доктори, профессор Зоир Чориев, фан номзодлари Шопўлат Шайдуллаев ва Тўхташ Аннаевларнинг "Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти" рисолиси чоп этилди. Асарда Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимги ёзув нусхалари ҳақида янги маълумотлар эълон қилинган.

З.У.Чориев, Ш.Б.Шайдуллаев, Т.Ж.Аннаев

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЁЗУВНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ



Шу вақтга қадар ёзув шакллари тоғ қоялари, турли идишлар, ҳайвон териларида учратиб келганми. Лекин уларни таҳлил этиб, илмий доирага олиб киришда бироз суст бўлган. Аслида эса цивилизация омиллари ўрганиш ана шундай қадимий ёзувга, яъни фунда пиктографик белги деб аталган турли шакллар моҳиятига бориб тақалади.



Рисолада таъкидланганидек, пиктографик белгиларни милотдан олдинги тўрт минг йилликларда яшаб ўтишган шумерликлар ихтиро қилишган. Унда одамларнинг табиат ва жамиятдаги барча ҳодисалар ҳақидаги қарашлари суратлар ёрдамида ифода этилган.

Зараутсой қояларига битилган турли шакллари эсланг. Ана шундай шакл ва ёзувларни акс эттирувчи сопол буюмлар қадимги Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Урта Осиё ва бошқа ҳудудлардан топишган. Хусусан, Сурхондарёда қадимий шахар ва қишлоқлар харобалари ўрганилгани сайин фанимизга маълум бўлмаган соҳалар кашф қилинмоқда.

Китоб, асосан, икки боб ва ўн та фаслдан иборат бўлиб, унда учта асосий масала ечимига диққат қаратилган. Пиктографик ёзув ва унинг турлари тўғрисида батафсил тушуна берилган. Жаҳон олимларининг илмий изланишлари таҳлил қилиш асосида асарларни солиштириш усули орқали ўрганишган.

Китобнинг иккинчи қисми миҳхат ёзувларининг пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиётига бағишланган. Жумладан, Сурия, Оссурья, Эрон, Аккад, Хетт, Урарту, қисман Урта Осиё давлатларида миҳхат халқроқ дипломатия муносабатларида ишлатилган. Антик давр тадқиқотчилари Геродот, Страбон, Афенет ва бошқаларнинг миҳхат ёзувларини турли номлар билан атаганликларига диққатни қаратади. Шу фактларга асосланиб рисола муаллифлари миҳхат ёзувларининг амалдаги ҳолати ва унинг бир не-

чта турларини ифода этувчи шаклий белгиларни келтириб ўтишда ҳамда изохлашди. Чунончи, "ап", "ип", "ри", "ур", "шу", "шуу", "аш" каби товушларда қандай маъно ифодаланишига доир фикр-мулоҳазаларини "Бобил ёзуви", "Ниневия ёзуви", "Мидия ёзуви" каби қатор қадимий ёзувлар мисолида исботлашган.

Рисоланинг 3-қисмида қадимий Хитой пиктографик ёзуви ҳақида сўз борди. Ундан Яншао ва Луншань ёдгорликларини ўрганиб чиққан хитойлик тадқиқотчи Дун Цзобиннинг илмий фаолияти кенг очиб берилган. Бу олим эраимиздан олдинги учинчи минг йиллик даврида Хитойда илк ёзув пайдо бўлганлиги ҳақидаги гоъни илгари сурган. Миҳхат ёзувидаги белгилар — оддий чизик, қўшув, параллел чизиклар, айирув, бурчак, доира, зямик доиралардан иборат бўлганлиги, уларда чуқур мантқ борлигига ишора қилган.

"Ўзбекистон — илк цивилизация бешиқларидан бири" номли иккинчи боб эса юртимизда ёзувнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумот беради. Муаллифлар фикриятиларнинг милотдан аввалги иккинчи минг йилликда қаршларга мосланган ёзувга асос солишганлигини, шунинг баробарида қадимги Бактрия, Хоразмий,

Олтин мерос

Сўғдий ёзувлари ҳам пайдо бўлганлигини эътироф этишди. Улар Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларини ўрганишганда, қадимий шахарсозлик, маданият айнан шу ҳудудларда қарор топганлигини, гуллаб-яшнаганлигини асослаб беришди. Ўз навбатида қадимги ёзувнинг ҳам пайдо бўлганлигига тўхталишиб, Сополлитепадан топишган кўплаб хум, кўза каби идишларга битилган белгиларни таҳлил қилишган, йиғирма тўққизта белгини санаб чиқилганлигини таъкидлашди. Бу эса Сополлитепа ва Жарқў-



тон кулолчилигига битилган белги, тасвирлар деб қарашга асос яратади ва уларни пиктографик ёзув сифатида қабул қилиш мумкин. Кўп йиллик самарали изланишлар натижасида сопол идишларга битилган 46 хил белги-ёзувлар аниқланди. Олимлар ҳамон уларни ўрганишда давом этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ватанимиз пиктографик ёзув намуналарига бу қадар бую эканлиги юртимиз азал-азалдан цивилизациялашган ҳудуд бўлганлигидан далolat беради.

Кудрат ЖўРАЕВ, филология фанлари доктори.

Наманган вилоят «Янгиқўрғонсавадо» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Ўзбекистонимизнинг пиббейт ходимларини яқин кунларда нишонланадиган касб байрамлари билан муборакбод этади.

Уларга бахт, омад ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.

Қишлоқ шифокорининг оддий фалсафаси

Чотқол тоғ этакларида Чортоқ ерлари ястанган. Тоғ кўйида пайдо бўлган сой бутун туман ерларини сугорди. Соё ёқалаб неча сўлим қишлоқ, ҳадсиз боғу роглар барпо бўлган. Улар гўё ипга тизилган қатор дур шодасини эслатади. Ҳавоси тоза. Симиранг кўксинга оби малҳам оқиб кирганадек бўлади. Зилол сувларида сувратинг балқийди: сипқорсанг илқингга қувват инади.

Олмасининг донги кетган, тами гўё узум кабидир. Бори шифо — кўзингга нурдир. Шунданми, одамларнинг ранглари оз, бето-би кам. Шунда-да, неча йилдирки, қишлоқ врачлик пунктнинг тезроқ битишига орзуманд бўлиб юрган ҳудуд ахли ҳам йўқ эмас. «Деҳқонobod»ни олайлик. Икки-уч минг аҳолисига хизмат қиладиган ҚВПнинг ҳанузгача бирор тайинли биноси йўқ. Ходимлар бировнинг уч хонали уйида хўжақўрсинга базўр ишлаб туришибди. 7195 нафарли Алихон қишлоғидаги ҚВП эса... битай деб қолди.

Ҳар кун қўшни Сарой қишлоғидан уч-тўрт чақиримлик масофани пойи-пайда босиб келадилик жикка бир йигит ана шу Алихон қишлоғидаги амбулаторияда оддий бир шифокор бўлиб ишлайди. Ҳар кун бировдан олдин, бировдан кечроқ ишхонага кириб келади. Беозоргина жилмайиб, ҳамма билан саломлашади. Ҳаммага ўзининг қийиқ кўзларида табассум улашади. Сўнг қон босими ошган, ҳатто юраги хуружга кирган беморга ҳам тап тортмай ёлгон гапирарди:

— Сиз соппа-соғсиз, сизни ҳеч ерингиз огримаяпти. Сизни фақат мана бу ерингиз нотўғри ишлаяпти, — дейди у, беморнинг бошини кўрсатиб. — Сизни мана шу бошингиз «мен касалман» деган фикрга ёпишиб олган.

Бу йигит ўз «ёлгонлар»и билан беморларини ишонтиради, аммо уззу кун беморидан сир тутган ҳақиқат оловида ёниб яшайди. Дарвоқе, унинг шарифи Муродов эканини биров биларди, биров йўқ. Чунки у ҳамма учун оддийгина Баҳром духтир-да.

Сайид ОЛИМ, «Хуррият» муҳбири.

— Жуда кўп ўқимишлилар шахарга интилади, сиз ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? — сўрайман ундан.

— Тиббиёт олий ўқув даргоҳини тамомлагач, бир йилгина вилоят марказидаги шифохонада ишладим. Шундан бери мана шу қишлоқда, шу қадрдон ўрниданман. Шунга ҳам 14 йил бўлибди. Саволингизга келсак, мен бўлмасам бошқа кимдир қишлоқда ишлаши, қишлоқликлар дардию муаммосига шерик бўлиб яшаш керак-ку?!

— Яхши эслатдингиз. Бугун қишлоқ жойларида кўп учрайдиган касалликлар ёхуд уларни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида нима дея оласиз?

— Эътибор қилсангиз, телевидение рекламалари ролини кўпроқ дори-дармонлар ҳақидагиси тўлдирапти. Номи қайд этилган ҳар қандай касаллик борки, уларга дори тавсия этишяпти. Аммо... шифокорнинг бурчи касалларни фақатгина даволашда бўлмай, балки одамларни касалликларнинг олдини олишга чақириш, кўмак бериш, тарғиб-ташвиқ қилишда деб ўйлайман. Айниқса, болалар саломатлигига эътибор юқори бўлиши лозим. Шунинг учун бугун қишлоқ шифокорининг вазифаси, иситмаси чиққан беморга фақатгина дори-дармон ёзиб қўйиш ёки бирорта укол қилиб қўйиш билан чегараланмайди. Шунинг учун ҳам тиббий кўрикларнинг қўлами ва сифати тобора ривожлантирилиб боришмоқда. Айниқса, оила куриш истагидагилар учун «Никох» тиббий кўриги яхши самара бермоқда. Бироқ одамларга бу кўрикнинг моҳиятини тушунтириш осон эмас. Демокчиманки, жуда кўпчилик ёшлар мазкур кўрикни четлаб ўтишга уриниб кўришарди. Ҳолбуки, бу ўзлари учун зарарлигини вақтида англаб етишганда эди... бироқ, дунёда ҳар хил одамлар бор-да.

— Агар духтир бўлмаганингизда қайси касбни танлардингиз?

— Барибир духтир бўлардим!

Лукма

Тошкент шахрининг сўлим гўшаларидан бири — «Анҳор» кафеси атрофидаги манзара одамнинг кайфиятини кўтаради. Уни ҳар қанча кузатсанг ҳам тўймайсан киши. Ташқаридан «Анҳор»га қараганингизда ҳавас билан боқасан, бироқ ичкарига киргач эса...

«Анҳор»да ҳордиқ...

Ёши унча катта бўлмаган миқоз тамадди қилиш учун кафега келди. Ўзига қўлай жой топиб ўтирди. Ҳадеганда официант келавермаган, шартта ўридан туриб, ошпазнинг олдида борди. Чанқаганини айтди, ошпаз унга музлатгич томон юришини ишора қилди ва у минерал сувни олиб яна жойига бориб ўтирди. Демак, бу ернинг қондаларидан бири — «ўз-ўзига хизмат қилмас» экан. Одамлар гаплашиб чой ичишарди, бироқ идиш-товуқлар ҳалигача йиғиштирилмаган. Ҳаёлимдан балки официантлар камлигидан улгуролмаётгандир, деган ўй ўтди. Ҳақиқатан ҳам, официантлар кафедаги жой ва миқозлар сонига кўра кам. Борлари ҳам бир чеккада нималарнидир гапириб, кулиб туришарди. Яна бир миқоз ташриф бурюди. У анҳор сувини томоша қилиб бўлгач, ўз столига, кейин эса бошқа столларга қараб чиқди. Таомномани томолади шеклилли, официантни чақириб, бир нималар деди. Қизик, нахотки шундай катта ошхонада таомнома бўлмаса...

Мен бу жойнинг эгаларига эътирозларини билдиришга бўлиб, ошхона бошлигининг хонасига кираверишда ҳеч қандай ёзув бўлмагани учун қандай мурожаат этишга ҳайрон бўлиб турдим. Салом-алиқдан сўнг савол ва жавобни бошласам ҳам бўлади, деб нотўғри ўйлабман. Муҳтарам бошлик менинг эътирозларимга ҳеч қандай жавоб бермасликларини айтди.

Аммо баъзи миқозлар ўз фикрларини билдиришди.

Холмўмин Йўлдошев, «Турон-марказ» куришлик-сервис трести бошлиги:

— Бу кафе талабалик йилларимдан менга қадрдон жой. Аммо кейинги беш йилда биринчи марта киришим. Хизмат, овқатлар сифати ҳафсаламни пир қилди. Бир пайтлар қандай ажойиб маскан эди.

Мухайё Исмоилова, ўқитувчи:

— Бу жойдан хурсанд бўлмадим, холбуки, хусусий ошхоналар миқоз тўплаш учун хизматни аъло даражада ташкил қилиши керак.

Нима ҳам дердик, «Анҳор» кафеси жамоаси хурандаларнинг эътирозларига яраша иш сифатини оширсалар яхши бўларди.

Нигора ҒОЙИБОВА

Аслида бу инсонни халқимизга таништириб ўтирадиган ҳолат йўқ. Чунки ўзининг ажойиб роллари, бетакрор санъати билан барчамизга таниш, кадрдон бўлган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов яратган бир-биридан ажойиб Ойбекнинг "Қутлуг қон" асаридидаги Йўлчи, Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" драмасидаги Амир Темури, "Бой ила хизматчи" асаридидаги Гофир, жаҳон классикасида яратган турли-туман характерли образлари, "Ўзбекфильм", "Мосфильм", "Тожикифильм"да ижро этган юзлаб роллари ўзбек кино ва театри хазинасида муҳим ўрин тутди.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг устоз актёрларидан бири Теша Мўминовнинг яратган роллари таъсирли, юракка етиб боради. Балки катта истеъдод соҳибининг бетакрорлиги ҳам ана шундадир.

— Теша ака, актёрлик касби нечоғли завворлиқ?..

— Актёрлик қисматини танлаб, пойтахтга ўқишга келаман деганимда, оилада ёлғиз фарзанд бўлганим боис ота-онам бунга рози бўлишмаган. Санъат олийгоҳини тугатган эса театр ҳаётининг бир бўлагига айланди. Ота-онам қишлоқда дуо қилиб ўтиришарди. Учинчи курслигимда ҳамза номидаги академик драма театрига ишга кирганман. Мана, шундан бери йиллар ўтди, умрим у билан боғлиқ кетди. Умуман, саҳна тақдиримга, ҳаётим мазмунига айланди.

— Театрнинг моҳияти, саҳнанинг қудрати нимада деб ўйлайсиз?

— Театр — ҳаёт кўзгуси. Унда ҳар бир киши ўз аксини, қалб изтиробларини, ёрқин умидларини кўради. Томошабинда ана шундай туйғунинг нечоғли уйғониши театрнинг қудратига боғлиқ. Уйлайманки, миллий театр жамоаси ана шу масъул вазифани уқдаламоқда.

Театрда классик асарлар саҳналаштирилсагина, биз инсон руҳиятига йўл топамиз. Шу йўл орқали инсон ўзлигини англайди, ўзини яратади, кашф этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон ҳаёти ўзига хос драма. Унда секин-секин асарлар, бахт-бахтсизлик мужассам. Классик асарлар ана шу моҳиятни очиб беради, кишини фикрлашга даъват этади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу замон билан ҳамнафаслик.

Бугунги кунда бизни ҳам, томошабинни ҳам яхлит бир нарса — келажаги буюк давлатнинг равнақига ҳисса қўшаётган иродали, илм-маърифатли, ноёб қобилиятга эга бўлган, ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар томонлама ўрнатилган бўла оладиган "Замонамиз қахрамони"нинг ёрқин сиймосини яратиш, кўриш қизиқтиради.

Актёр театрга майда-чуйда роллар билан умрим ўтиб кетмаса, яхши роллар келса-ю, маҳорат билан ижро этиш, муҳлислар қалбига кириб борсам, деган ўй-ташвишда яшайди. Энди драматургларимиз ҳам замон билан ҳамнафас драмалар яратишса, нур устига аёло нур бўларди. Ҳозир энг долзарб масала театрни мумтоз, замонавий, қолаверса, ўзбек миллий спектакллари билан бойитиш, кўтариш керак.



айтаман.
— Аммо Ойбекнинг "Қутлуг қон" асари асосида яратилган видеофильмда Йўлчи ролини уйнаганингиздан бери халқимиз сизни ҳаётда ҳам Йўлчи қиёфасида тасаввур этишди. Айни ана шу ролда, назаримда, суратингизу сийратингиз, зоҳирингизу ботинингиз Йўлчи маънавий-руҳий олами билан уйғунлашиб кетгандай, бошқача қилиб айтганда, Йўлчи образи сиз учун яратилгандай туюлади. Йўлчи камтарин, оқунгил, чапани йигит. Назаримда унинг фелъ-атвори сизнинг характерингизга мос тушгандай. Видеофильмининг энг катта ютуғи ҳам ана шунда эмасми?..

— Бироз ошириб юбордингиз, шекил-

ҲАЯЖОН ВА ҲАЙРАТ ОЛАМИ

— Амир Темури ролини уйнашни орзу қилиб Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурхон сингари атоқли актёрлар армон билан ўтиб кетишди. Тарихан буюк шахснинг яхлит образини яратиш сиз учун оғир кечмадими?

— Замонлар бўлдики, Амир Темури ролини уйнаш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи хатарли эди. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темури ролини илк бора уйнаш устоз санъаткорларимиз учун забт этилмаган чўққи бўлиб қолганди.

Биринчи марта менга "Амир Темури" спектаклида уйнашни таклиф этишганида, илм уламолари-ю театршунослар буюк сиймолар образини яратиш бўлмаганини айтишганди. Юрагимда эса шу ролга нисбатан иштиёқ устун чиқиб, Соҳибқироннинг руҳи покларига тиловат қилиб, "Амир Темури" спектаклида уйнадим. Аммо... осон кечмади, албатта. Спектакль кўп мартаба қўйилди.

1996 йил "Амир Темури йили" деб эълон қилинган, янги авлод Амир Темури мукамал билиши учун ҳам саҳна асари яратилиши керак эди. Ушундан атоқли шоир Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси саҳналаштирилди, бош ролни уйнашни иккинчи марта ҳам менга топширишди. Роль устида беқиёс кун-куват топиб ишладим. Катта изтироб ва масъулият юрагимни эзиб турарди. Спектаклнинг муваффақиятли чиқишига, албатта, драманинг зўр ёзилганлиги ҳам сабаб бўлди. Режиссёрнинг оғир, машаққатли меҳнати ҳам таъсирини қилди. Ана шу тарзда кучлар умумлашган ҳолда Амир Темури образини яратилди. Бу шарафли иш менга насиб этганидан Яратганга шукроналар

ли. 1977 йилда "Қутлуг қон"да Йўлчи образини уйнаганман. Ҳа, ушунда бу видеофильм тақдироти анча шов-шувга сабаб бўлганди. Ижодий ғуруҳимиз билан учрашувларга борасан, видеофильмни кўрганлар «Хуш келибсиз, Йўлчи ўғлим», дея дарров пешвоз чиқишарди.

Аслида пойтахтга ишга келганимда Йўлчига ўхшаб, ўта ишонувчанлигим, оқунгиллигим туйғулари кўп панд еганман. Ота-онам қишлоқда "Соддагина ўғлимни ўзинг паноҳингда асрагин, бегона шаҳарда ноқаслар алдамасин, адашмасин" деб дуо қилиб яшардилар. Балки онамининг дуолари ижобат бўлиб, театрда ҳам ўзимга ўхшаган Йўлчи ролини уйнаш насиб этгандир. Ойбек "Қутлуг қон" асарида Йўлчи образини осмондан олмаган. У ёнимизда яшаётган иймони бутун одамларнинг кенчишларини, атрофимиздаги фожияларни, юрагимиздаги оғриқларни маҳорат билан очиб берган.

— Сиз театр айвонида тамал тошини қўйган уста санъаткорлар Наби Раҳимов, Шукур Бурхонларнинг кўрдингиз, уларга шоғирд тушдингиз. Устозлар ишончини оқлаганингиз юзлаб яратган бетакрор образлар орқали яққол кўринади. Улардан сизга яна нималар қолди?

— Бир кун рол уйнаётганимни кўрган Шукур ака ёнига мени чақиртирди-да:

— Санъатда ўғрилиқ қилгани келган бўлсанг, кетавер. Театр ўғрилиқ қилмаган жой эмас, — деди ўзига хос савлатдор овоз билан.

— Санъатдан нимани ҳам ўғирлаш мумкин, устоз? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сенингча сўзни ёлғондан ёдлаб ай-

Мутахассис маслаҳати

Болангиз қоронғуликдан нега кўрқасиз?

Баъзи ота-оналар кичикинтойларини ухлатаётиб, уларни қоронғуликдан кўрқитишга, ачина ёки ялмоғиз ҳақида ваҳимали сўзларни айтиб уларни тезроқ ухлатиб қўйишга одатланишган. Рухшунослар эса бу ниҳоятда нотўғри усул эканлигини таъкидлашади.


Қоронғуликдан кўрқиб 3-5 ёшли кичикинтойларга хос хусусиятдир, дея ҳисоблашади мутахассислар. Чунки бола бу ёшга келиб муайян билимга эга бўлади. У эртан эшитган, фильмлар қўриган бўлиб, ўзи ҳам фантазия қила бошлайди.

Албатта, кўрқиб табиий ҳол. Бирок, бу катталарнинг мазак қилиши ёки "бола катта бўлса кўрқиб ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади", дея бепарво бўлишига асос бўлолмайди. Негаки боланинг қоронғудан кўрқиб унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ота-оналар ўзларининг «кўрқоқвоилари»га ёрдам беришлари жоиз.

Болакай қоронғуликдан кўрқмайди, балки у ерда қандайдир кўрқинчли шарҳлар тургандек ҳиссиёт уни ваҳимага солади. Бунинг учун ана шу шарҳа нима эканлигини аниқлаштириш лозим. Уни

ваҳимага солаётган ялмоғиз кампир, қўланка ёки бошқа нарсанинг суратини чизишингиз, пластилиндан ясашингиз керак. Унинг хаёлидаги образ тайёр бўлган, ясалган, чизилган кўрқинчли маҳлуққа секин-аста турли кулгили, беўхшов ёки мафтункор деталлар қўшиб боринг. Масалан, дахшатли чизилган кучукнинг бир кулоғи тикка, иккинчиси шалпайтирилса, жунлари жингалек қилинса, оғзи қилиб турса, думи гажак қилинса унинг кўрқинчли томони йўқолади.

Кейинги босқичда дахшатли маҳлуқ чизилган суратни йиртиб ташлаш ёки гижимлаш, пластилиндан ясалган бўлса оёқ билан тепкилаш ва бакириб: "Йўқол, мен сендан кўрқмайман" деган сўзлар айтилади. Маҳлуқ билан шундай "жанг" болангиз ухлашдан олдин эмас, балки кундуз кун амалга



оширилади. Кечаси бола ухлашга ётишидан олдин унинг қўлига қўриқтириш лозим. Гўё у ёш болалар, мушуклар ёки ўйинчоқларининг ҳимоячиси деган тасаввур уйғотиш зарур. Имон қўлиши билан танишлар, қариндошларга фарзандингизнинг ботирлиги, кўрмаслиги тўғрисида гапириб бериш керак.

Болани қоронғуликда ухлашга мажбур қилмаслик зарур. Агар у истаса

Мутахассис маслаҳати

чирокни ўчириб, истама-са ёқиб ухласин. Умуман болага ўзи яшаб турган жойнинг ҳужайини бўлишга имкон яратиш лозим. Унинг қаравотига қўл чирроғи қўйиб қўйиш ҳам энг мақбул ишдир.

Кичикинтойни бир хил тартиб-қоидага ўргатиш лозим. Ҳар кун кечкурун бир вақтда ўрнига ётқизинг, эртақлар айтиб беринг. Шундай одатга ўргатиш боланинг хотиржам ва ишончли бўлиб ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Доммо қувноқ яшашига ҳаракат қилинг. Яхши кайфият кўрқувининг олдини олиш учун қилинган саъий-ҳаракатлар ўз нишонини беради. Катталар ҳаётда рўй берадиган барча жиддий муаммолар ҳафагарчилик онларидан дарҳол охири ўтиб, ҳазиллаштиришга, тез-тез кулишга, кичикинтойларингиз билан иложи борича бирга бўлишга ҳаракат қилинг. Кичикинтойга турли хил ўйинлар, қувноқлик бахш этадиган онлар сув ва ҳаводек зарур эканлигини унутманг. Болаларимиз гўдақлигидан кўрқув ҳисси билан вояга етмасин. Жасур ва мард бўлиб катта бўлсин.

Игорь КОСТИН, руҳшунослик фанлари номзоди.

Учрашув

тиш ўғрилиқ эмасми? Шунчаки роль уйнаш эмас, саҳнада яшаш керак. Саҳнага ҳар бир чиқишини мақсад, моҳият бўлсин. Ҳар бир уйнаган ролнинг воқеа бўлсин. Йилгасанг, халқ йилгасанг, кулсанг кулсин, жим турсанг сукутга чўмсин. Томошабинни ҳар қандай ҳолатда ҳам ишонтиргин, сеҳрлай билгин. Ушундан бир кун саҳна сени ардоқлайди, меҳнатинг қадрланади, — деди Шукур ака.

Шукур ака — бетакрор актёр, ўзига ҳам, оламга ҳам сифмаган инсон эди. У кишидан театрда бир улугвор мактаб қолди. Бугун шоғирларимга ҳам устозлардан олган ўғитларни ўқитиб келаман.

— Баъзан "Театр ичиде театр" деган иборани эшитиб қоламан. Уни қандай шарҳлайсиз?

— Театр ўзига хос серкйра ҳаёт. Ҳар бир спектакль эса ҳаёт ичидеги ҳаёт. У шундай мавқе ва мақомга эришиши лозим. Бунинг учун юқорда таъкидлаганимдек, яхши драмалар, маҳоратли режиссёрлар, талантли актёрлар керак. Мана шу учта бирликнинг фикри бир жойдан чиқса, театр гуркирайди. Авваллари ойда бир марта театрга тушмаган одамни дунёдан беҳабарликда айблашарди. Ҳозир техника ривожланаётган бир даврда кўпчилик театрга келмаса ҳам телевизор ёки интернет орқали хоҳлаган спектаклнинг ёки киносини кўриши мумкин. Бу бир томондан яхши, албатта. Лекин у суратда, жонли ҳолат эмас! Театр барибир театр-да! Томошабин дисклардан кўра спектаклни ўз кўзи билан кўрса, маълум муддат қаҳрамон билан яшаса, ҳайратланади, завқланади.

— Ўғлингиз Тolibжон Мўминов ҳам изингиздан бориб, актёрликни танлади. Бунга қандай қарайсиз?

— Тolibжоннинг бир-икки ролларини кузатган томошабинлар менга ижобий фикрлар билдиришди. У ҳали жуда кўп ва ҳўб меҳнат қилиши керак. Мен буни ҳар қадамда таъкидлайман. Актёрлик қисмати оғир ва завворли. Бу ҳақда Тolibжонга гапираверишимдан зерикса ҳам чарчамайман. Энди ота касбини танлаган экан, бу йўлда сабр-қаноат тилаган, устозларнинг йўлини берсин!

— Сизнингча, умр нима учун берилган?

— Умр инсонга яхшилик қилиш учун, эзгу ишлар учун берилган.

Баъзан театр залида туриб, ўйга чўмаман. Бу саҳна қанчадан-қанча улуг санъаткорларни кўрмаган дейсиз? Ҳаётнинг ўткинчилиги муқаррар. Инсон сабов ишларни ҳам қилишга улғуриб қолиши керак. Дунёда фақат яхшилик абадийдир.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Спорт

"Agribank Cup" Ўзбекистонда

Футбол бўйича мамлакатимиз олимпия терма жамоаси Вьетнамда ўтказилган "Agribank Cup" халқаро турнирида бош совринни қўлга киритди.




Гуруҳ тартибиде ўтказилган ушбу мусобақада олимпиячиларимиз икки ютук ва бир дурунг билан голибликни қўлга киритди. Ўзбекистон Футбол федерациясининг хабар беришича, футболчиларимизга турнир кубоғи билан бирга, 40000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофот пули топширилди. Мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган Финляндия олимпия терма жамоасига 20000, учинчи ўриндан жой олган Вьетнам футболчиларига эса 10000 АҚШ доллари миқдориде мукофотлар берилди.

	Ў	Ю	Д	М	Т	Н	О
Ўзбекистон	3	2	1	0	5-2	7	
Финляндия	3	2	0	1	5-5	6	
Вьетнам	3	1	0	2	4-4	3	
Зимбабве	3	0	1	2	3-6	1	

Макаодан медаллар билан

Макао ёпиқ иншоотларида ташкиллаштирилган II Осий ўйинлари якунланди. Унда қитъамизнинг ўттиздан ортиқ давлати спортчилари ўн беш тур бўйича беллашди.

Терма жамоамиз аъзолари иккита олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритди. Муайит бахсларида Артур Қодиркуллов ва Мавлонбек Қаҳҳоров ўз вазн тоифаларида олтин, Абдулла Худойбердиев эса кумуш медал соҳиблари бўлишди. Аутзал бўйича аёллар ва эркаклар терма жамоаларимиз бронза медалларини қўлга киритишган бўлса, компьютер ўйинлари бўйича Дониёр Шомузафаров иккинчи ўринни эгаллади.



Юбилей баҳона

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида сузиш бўйича республика биринчилиги якунланди. Халқаро сузиш федерацияси (FINA) ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан уюштирилган мазкур турнирда 250 нафар спортчи медаллар учун кураш олиб борди.

Анджонлик 13 ёшли Раъно Амонова турнир кашфиётига айланди. У 400 метрга комплекс, баттерфлей, эркин ва чалқанча усулда сузиш бахсларида, шунингдек, 1500 метрга эркин усулда сузиш бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келди. Шу вилоят вакиллари Мафтуна Тўхтасинова 800 метрга эркин усулда сузиш мусобақасида, Шоҳрух Юнусов эса 400 метрга комплекс усулда сузишда биринчи ўринни эгалладилар. Сабит Амилов 1500 метрга эркин, 400 метрга брасс усулда сузишда пешқадам бўлди.

Навий вилояти вакили Темури Эргашев, пойтахтлик Сергей Паньков, Мария Видяшева ва Андрей Морковинлар ҳам голиблар сафидан жой олишди.

Анвар САМАДОВ

Хандалар

«Агар яхши кўрганнингда эди...»

— Жонгинам, туғилган кунингда норка совға қилишга ваъда берувдим. Сўзимнинг устидан чиқаман. Аммо билиб қўй, уни ўзинг боқасан.

— Ой-куни яқинлашиб қолган икки қўшни аёл ўзаро суҳбатлашяпти:

— Кўшнижон, сиз нима кутяпсиз?

— Мен ўғил кутяпман. Дадаси ўғилни яхши кўради. Ўзингиз-чи?

— Мен қиз кутяпман. Қиз ҳам яхши бўларкан, ота-онасига меҳрибон...

— Бу гапларни кўшннинг беш ёшлардаги қизи эшитиб қолибди. Кўчага чиқса, катта йўл четиде қорни катта бир одам турган экан. Ҳалиги қизча хайрон бўлиб, ўша кишининг гоҳ қорнига, гоҳ юзига қараб:

— Амаки, сиз нима кутяпсиз? — деб сурабди.

— Менми? Мен автобус кутяпман!

Жанжалдан кейин эр хотинга деди:

— Агар гапинг рост бўлиб, чиндан ҳам мени яхши кўрганнингда эди, менга эмас, бошқа одамга турмушга чиққан бўлардинг.

— Ичкилик оилавий муносабатларни бузади, — деди маърузачи. — Ичкиликка ружу қўйганларнинг хотинлари кетиб қолган ҳоллар кўп учрайди.

Залдан шундай лўқма эшитилди:

— Айтинг-чи, бунинг учун қанча ичи керак?

Афанди бир меҳмонхонага кириб жой сўраган экан, «жой йўқ» дейишибди. Афанди қалпогини қўлтиққа урибди-да, шляпа кийиб, яна сўрабди:

— Қани, директоринглардан сўраб чиқ-чи, наҳотки Фармонхўжаевнинг отасига битта жой топилмаса?!

— Э отахон, олдинроқ шундай демайсизми, ҳозир жойни тўғрилаймиз-да!

Афанди эртаси кун паспортини олаётганида меҳмонхона маъмури сўрабди:

— Кечирасиз, отахон, танимасни сийламас деганлар, ўғлингиз ким бўлиб ишлайди?

— Сартарош, — деди кулиб Афанди.

— Спектакль кўригидан сўнг режиссёр актёрлардан сўради:

— Спектакль ҳақида кимда қандай таклиф бор?

Шунда яқинда театрга ишга келган ёш актёр сакраб туриб деди:

— Мен ўйнаган саҳнадаги ўпишиш пайтини яна бироз чўзсак қандай бўларкан?..

— Эринг қалай?

— Худди офтобга ўхшайди.

— Тушунмадим?

— Кенжурун голиб бўлганча эрта-лаб қорасини кўрсатади.

— Қамоқхонада ўтирган икки маҳбус ўзаро суҳбатлашмоқда:

— Сен нима учун ўтирибсан?

— Мен рақобат кўрибман.

— Бу нима деганинг?

— Худди давлатникига ўхшаган пул ясаган эдим!

Шодмон ОТАБЕК